2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 201 (1800), 2026 йил 28 сентябрь, душанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни 27 сентябрь — Бутунжаҳон туризм куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги кунда туризм мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган, минглаб янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган истиқболли тармоққа айланиб бормоқда.

Кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган очиқлик сиёсати, виза тартибининг соддалаштирилгани, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасининг кенгайтирилгани, тадбиркорлар учун кўплаб солиқ ҳамда божхона имтиёзлари жорий қилингани соҳа ривожига янги шиддат бермоқда.

Бунинг тасдиғини 2025 йилда Ўзбекистонга келган хорижий сайёҳлар сони 2016 йилга нисбатан салкам 6 баробар ошиб, қарийб 12 миллион нафарга етгани, туризм хизматлари экспорти 11 карра кўпайиб, 4 миллиард 800 миллион АҚШ долларини ташкил этгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизнинг глобал туризм сиёсатидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Ўзбекистоннинг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2027 йил Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили, деб эълон қилингани, БМТ Туризм ташкилоти республикамизни дунёдаги энг тез ўсаётган бешта сайёҳлик йўналишига киритганини таъкидлаш лозим.

Албатта, бундай ютуқлар замирида юртимиздаги минглаб туроператор ва турагентлар, меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари ходимлари, гид ва экскурсоводлар, ресторатлорлар, транспорт ва сервис компаниялари вакиллари, ҳунармандлар, маданият намояндалари, музей ходимлари, устоз-мураббийларнинг машаққатли меҳнати мужассамдир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу йўналишларда сидқидилдан хизмат қилаётган барча соҳа ходимларига самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли юртдошлар!

Янги Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ташриф қоғози бўлган Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Бурҳониддин Марғиноний мажмуалари, Замонавий санъат маркази каби кўплаб масканлар бутун халқимиз қатори хорижий сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Биз бу борадаги ишларимизни изчил давом эттириб, гўзал диёримизни жаҳондаги замонавий сайёҳлик инфратузилмаси янада ривожланган энг машҳур туризм марказларидан бирига айлантиришга қарор қилганмиз. Шу мақсадда Хивада ўзида тарих ва замонавийликни уйғунлаштирган халқаро туристик шаҳарча, конгресс маркази ва тарихий-этнографик боғ барпо этиш, Ичанқалъани рақамли технологиялар асосида “ақлли” музей-мажмуага айлантиришни режалаштирганмиз.

Самарқандда эса ноёб экспонатлар жамланган Ипак йўли музейи ташкил этилади. Қорақалпоғистонда археологик ёдгорликлар бўйлаб янги туристик йўналишлар очилади. Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида “Ғилон”, Наманган вилоятининг Поп туманида “Арашан” каби янги мажмуалар ташкил этилади.

Соҳада замонавий технологияларни кенг жорий этиш, ягона миллий туризм платформасини ишга тушириш, сайёҳлик хизматларини битта тизимга интеграция қилиш, сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш, кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш ҳам устувор вазифа бўлиб қолади. Гастрономик, экологик, зиёрат, тиббиёт, тоғ ва саргузашт, ишбилармонлик, этно ва қишлоқ туризми каби юқори қўшилган қиймат яратадиган йўналишларни жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Ана шундай долзарб вазифаларни амалга ошириш орқали биз 2030 йилга бориб, хорижий сайёҳлар сонини йилига 20 миллион нафарга, туризмнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 7 фоизга етказиш, хизматлар экспортини 8 миллиард доллардан ошириш, юқори тоифадаги меҳмонхоналар сонини эса икки карра кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Бундай улкан марраларни эгаллашда, аввало, ўз ҳаётини туризм соҳаси билан боғлаган, юртимизни, унинг қадимий тарихи ва маданиятини дунёга тарғиб этишни ўзининг профессионал бурчи деб биладиган сизлар каби ташаббускор ва ташкилотчи инсонларга таянамиз.

Ҳеч шубҳасиз, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ходимларнинг фидокорона меҳнатини муносиб рағбатлантириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Шу муносабат билан **“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган туризм ходими” фахрий унвонини** таъсис этсак, ўйлайманки, бу таклифни барчангиз қўллаб-қувватлайсиз.

Сизларни Бутунжаҳон туризм куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, шарафли фаолиятингизда омад ва зафарлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадрли ўғил-қизларим!

Ҳурматли устоз ва мураббийлар!

Дунё шахмат осмонида ёрқин юлдуз бўлиб порлаган сиз, азиз фарзандларимни 46-Жаҳон шахмат олимпиадасида эришган тарихий ғалабангиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Икки карра олимпиада чемпиони деган юксак шарафли унвон, буюк зафар барчамизга, кўп миллатли халқимизга муборак бўлсин!

Мана шу ғоят ҳаяжонли онларда 200 дан зиёд мамлакатдан 2 мингга яқин энг кучли ва машҳур гроссмейстерлар, номдор жамоалар иштирок этган мусобақасиз беллашувларда кўрсатган ақл-заковатингиз, юксак иродангиз, маҳорат ва жасоратингиз учун бутун элюртимиз, дунё шахмат жамоатчилиги сизларга тасаннолар айтмоқда.

Сизлар — Янги Ўзбекистон қаҳрамонлари, жаҳон шахмат оламида янги тарих яратган олтин авлодсиз. Бутун халқимиз сизлар билан чексиз фахрланади, ғурурланади.

Ушбу нуфузли мусобақаларда сизлар тенгсиз ақл ва тафаккур эгалари бўлган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк аждодларимизга муносиб ворислар эканингизни амалда намоён этдингиз.

Сизлар амалдаги Олимпиада чемпиони — Ҳиндистон жамоасини мағлуб этдингиз. Қадимий шахмат мактаби ва кўплаб гроссмейстерларга эга бўлган Хитой жамоаси устидан тарихий ғалабани қўлга киритдингиз. Дунё рейтингида биринчи ўринни эгаллаб келаётган, олти карра Олимпиада чемпиони бўлган АҚШ жамоасидан ҳам устун келдингиз.

Нодирбек Абдусатторов барча ўйинлар давомида мағлубият нима эканини билмасдан, чинакам жамоа лидери эканини исботлаб, биринчи тахтада олтин медаль соҳибига айланди.

Нодирбек Ёқуббоев эса Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва АҚШ вакилларига қарши муросасиз баҳсларда чинакам ирода ва матонат кўрсатиб, жамоамиз учун ҳал қилувчи ғалабаларни таъминлаганини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Айниқса, Ёқуббоевнинг ҳиндистонлик Ниҳал Саринга қарши беллашуви ҳақиқий драматик жанг бўлди. Янги Ўзбекистон вакилининг энг қийин вазиятда ниҳоятда топқирлик билан қўллаган тактик юришларини кўриб, дунё шахмат мухлислари ҳайратдан қотиб қолди.

Яна бир мард ўғлонимиз, Жавоҳир Синдоров чемпионларга хос ўйин кўрсатиб, умумий ғалабага катта ҳисса қўшди.

Бундай йирик халқаро мусобақада биринчи марта иштирок этган Муҳиддин Мадаминов ўғлимизнинг кучли рақибларига кутилмаган зарбалар бергани ва бирорта ҳам мағлубиятга учрамагани юксак баҳога муносибдир.

Шамсиддин Воҳидов Ҳиндистон, Туркия ва Венгрия вакилларига қарши муросасиз ўйинларда ўзини йўқотмасдан, муҳим очколарни олишга эришгани ҳам мухлислар хотирасида сақланиб қолади.

Бир сўз билан айтганда, терма жамоамиз аъзоларининг ҳар бири ўзига ишониб, фақат олдинга қараб борганини кўриб, Янги Ўзбекистонда қандай буюк шахмат мактаби, шахматчилар авлоди шаклланганига бутун дунё тан берди.

Мусобақаларда иккинчи таркиб билан иштирок этган жамоамиз қайд этган натижа ҳам бизни қувонтиради.

Жаҳонгир Воҳидов ўғлим кучли ирода кўрсатиб, ушбу жамоамизни совринли ўринлар сари бошлади. Испания, Англия ва Нидерландия каби давлатлар вакиллари устидан қозонилган ишончли ғалабалар унутилмас тарихга айланди.

Аёллар жамоамиз ҳам кескин курашларда ҳақиқий матонат намунасини кўрсатди. Улар АҚШ жамоаси билан тенгма-тенг баҳс олиб борганлари, 11 та турда 7 та ютуққа эришиб, ўн учинчи ўринни қўлга киритгани ҳам муҳим натижадир.

Самарқанд олимпиадасида парашахматчиларимиз ҳам улкан жасорат кўрсатиб, бундай ўйинлар тарихида биринчи марта бронза медалини қўлга киритишди. Селби қизим шахсий ҳисобда кумуш, Абдулазиз ўғлим бронза медалига сазовор бўлгани, Аҳадхон ўғлим умуман мағлуб бўлмагани мени жуда хурсанд қилди.

Эл-юртимиз барча шахматчиларимиз тимсолида кучли билим ва ирода соҳибларини, катта-катта марраларни забт этишга қодир бўлган Янги Ўзбекистон ёшларини кўради.

Ҳеч шубҳасиз, бу юксак ғалаба барчамизга янги куч-ғайрат, руҳ ва илҳом бағишлайди, ёш авлодимиз учун чинакам ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда шахмат ривожига берилаётган доимий эътибор, йўлга қўйилган самарали тизим ва қулай шароитлар сизлар эришган натижаларни таъминлашда муҳим омил бўлди. Яқинда бу борада яна бир Президент қарорини қабул қилдик. Ушбу ҳужжат яқин келажакда янада улкан натижалар учун, албатта, мустаҳкам замин яратади.

Ўзбекистон шахмат федерацияси ФИДЕ томонидан 2026 йилда “Энг яхши федерация” номинациясида ғолиб деб топилгани, тажрибали мураббий, гроссмейстер Рустам Қосимжонов ФИДЕнинг фахрий вице-президенти, Ҳулкар Тоҳиржонова ФИДЕнинг Марказий Осиё давлатлари бўйича минтақавий президенти этиб сайланганини Ўзбекистоннинг шахмат мамлакати сифатида обрў-эътибори ошиб бораётганининг яна бир далили сифатида қабул қиламиз.

Азиз фарзандларим!

Икки ҳафта давомида азим Самарқанд шаҳри бамисоли жаҳон шахматининг пойтахтига айланди. Бу ерда бўлиб ўтган нуфузли мусобақалар, қатнашчи давлатлар ва шахматчилар сонига кўра, рекорд натижалар билан тарихга кирганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Барчамизнинг умумий ғалабамиз уч минг йиллик бой тарих ва маданият овози келиб турган, XIV-XV асрларда Иккинчи Ренессанс марказларидан бири бўлган бу буюк шаҳарда қўлга киритилгани унинг қадр-қимматини янада оширмоқда.

Шу йил ноябрь ойида бизни яна бир катта шахмат байрами кутиб турибди. Жаҳон тожи учун бўладиган тарихий беллашувда шахматимиз фахри Жавоҳир Синдоровдан барчамиз улкан зафарларни кутиб қоламиз. Сен бунга албатта қодирсан, Жавоҳир болам!

Фурсатдан фойдаланиб, 46-Жаҳон шахмат олимпиадасида Ватанимиз шон-шуҳратини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган ўғил-қизларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига, терма жамоамизнинг барча аъзоларига чин дилдан самимий миннатдорлик билдираман.

Ушбу мусобақаларни юксак даражада ташкил этган, олимпиада иштирокчиларига халқимизга хос меҳмондўстлик, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатган Самарқанд вилояти аҳлига ва маҳаллий ҳокимлик вакилларига, барча ташкилотчиларга катта раҳмат айтамиз.

Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, келгуси фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Бизга мана шундай буюк шукуҳ, улуғ зафарларни тақдим этган шахматчи фарзандларимиз доимо соғ-омон бўлсин!

Сизларга ҳамиша порлоқ ғалабалар ёр бўлсин, азиз болаларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ВА ТАБИАТ ОЛДИДАГИ БУРЧ

Президентимиз Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимда келгуси ўн йилликни миллий юксалиш даври этиб белгилади ва инсон қадрини юксалтиришга қаратилган еттита миллий дастурни баён этди. Уларнинг тўртинчиси сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартиришга бағишланган бўлиб, унинг мазмунини Президентимиз “Табиатга муносабат — халқнинг маданияти, давлатнинг масъулияти ва тараққиётнинг сифат кўрсаткичидир” деган фикр орқали асослаб берди.

Ушбу таъриф уч тушунча — фуқаро хулқи, давлат вазифаси ва ривожланиш натижасига яхлит моҳият сифатида қараш зарурлигини кўрсатади.

Тўртинчи йўналишнинг асосий мазмуни инсоннинг қандай муҳитда яшаши, табиий бойликдан қандай фойдаланиши ва бу бойликни келгуси авлодга қай ҳолда қолдириши билан узвий боғлиқ. Сувнинг ўз вақтида етиб келиши деҳқон меҳнатининг натижасига таъсир қилади. Уйга яқин сояли маскан ёши улуғ инсоннинг сайрга чиқишини осонлаштиради. Ана шундай оддий эҳтиёжлар орқали экологик вазифанинг ижтимоий моҳияти очилади.

Бундай ёндашувнинг янгилиги шундаки, у экологияни алоҳида, тор соҳавий масала сифатида эмас, балки барча миллий дастурларни бирлаштирувчи умумий мезон сифатида кўради. Таълим тизимидаги ислоҳот, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ютуқ, шаҳарсозликдаги янгиланиш — буларнинг барчаси инсон яшайдиган муҳитнинг сифатига боғлиқ. Тоза сув, тоза ҳаво ва соғлом тупроқ бўлмаса, бошқа соҳалардаги ҳар қандай ютуқ ҳам ўз қадрини йўқотади. Шу боис, тўртинчи йўналишни моддий кўрсаткичлардан ташқари жамиятнинг умумий тафаккур тарзидаги ўзгариш сифатида ҳам баҳолаш тўғри бўлади.

Давоми 3-бетда



ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН АСТОЙДИЛ МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ 2



ОЛТИН АВЛОД: ЎЗБЕКИСТОН 46-ЖАҲОН ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ЧЕМПИОНИ

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд салкам икки ҳафта дунёнинг қарийб ҳамма қитъасидан келган шахмат усталарига мезбонлик қилди. 46-Жаҳон шахмат олимпиадаси юксак савиядаги ташкилотчилик руҳи билан бирга, ўзбекистонлик шахматчиларнинг оламшумул ғалабаси билан ҳам тарих зарварақларига ёзилмоқда. Вакилларимизнинг юқори даражадаги ўйини бутун дунёни лол қолдирди. Ақл ва тафаккур борасида ёшларимиз ҳеч кимдан қолишмаслигини яна бир бор амалда исботлади.

Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Ёқуббоев ва Муҳиддин Мадаминовдан иборат жамоамиз ҳал қилувчи сўнгги турда украиналик шахматчиларни мағлуб этди. Шу тариқа йигитларимиз олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлди.

Ўзбекистон терма жамоаси 2022 йили Ченай олимпиадасида олтин, 2024 йили Будапештда бронза медалини қўлга киритган эди. Самарқанд олимпиадасидаги тарихий ғалаба эса шахматчиларимиз қўлга киритаётган ютуқлар тасодиф эмаслигини ҳамда вакилларимиз дунёнинг энг кучли терма жамоаси эканини тасдиқлади.

Албатта, олтин медалга эришиш осон кечгани йўқ. Мусобақа давомида жамоамизнинг Ҳиндистон, Хитой, АҚШ каби давлатларнинг вакилларини ортда қолдиргани юртимизда кучли шахмат мактаби шаклланган ҳамда юқори салоҳиятга эга эканини яққол намоён этди.

Аёллар терма жамоамизнинг кескин курашларда кўрсатган матонати ҳамда парашахматчиларимизнинг олимпиадалар тарихида илк бор бронза медални қўлга киритгани қувончимизга қувонч қўшди. Бу натижалар, шубҳасиз, бутун халқимизнинг умумий ғалабасидир.

Президентимиз терма жамоамиз аъзоларига табрик йўллади. **“Сизлар — Янги Ўзбекистон қаҳрамонлари, жаҳон шахмат оламида янги тарих яратган олтин авлодсиз. Бутун халқимиз сизлар билан чексиз фахрланади, ғурурланади.**

Ушбу нуфузли мусобақаларда сизлар тенгсиз ақл ва тафаккур эгалари бўлган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк аждодларимизга муносиб ворислар эканингизни амалда намоён этдингиз”, дейилади табрикда.

Дарҳақиқат, вакилларимизнинг интеллектуал майдондаги бу жасорати янги Ўзбекистонда жаҳон илм-фанига салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодларнинг чинакам ворислари етишиб чиқаётганининг амалдаги тасдиғи бўлди. Қолаверса, мамлакатимизда шахматни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор йил сайин ошмоқда. Халқаро шахмат федерацияси Ўзбекистон шахмат федерациясини йилнинг энг яхши федерацияси деб эълон қилгани ҳам ўзбек шахмат мактаби нуфузи халқаро майдонда эътироф этилаётгани ва тан олинаётганининг далилидир.

Самарқанддаги тарихий ғалаба барчамизга ўзгача ғурур бағишлади. Минглаб ёшларни шахмат тахтаси атрофига бирлаштирадиган улкан туртки бўлди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини янада мустаҳкам бунёд этишга қўшилган салмоқли ҳиссадир.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Янги Ўзбекистон концепцияси ОҲИЧК фалсафаси билан табиий тарзда уйғунлашган. Ишонч чоралари ва хавфсизликнинг ягона архитектурасини мустаҳкамлаш ташкилотимизнинг тамойилларига тўлиқ мос келади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 28 сентябрь, 201-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Қайрат САРИБАЙ:

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНЦЕПЦИЯСИ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШ ФАЛСАФАСИ БИЛАН УЙҒУНДИР”

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОҲИЧК) Бош котиби Қайрат Сарибай “Дунё” ахборот агентлигига берган интервьюсида янги Ўзбекистонда сўнгги 10 йил давомида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий натижалари ва ютуқлари ҳақида сўз юритди.



— Бу йил янги Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар бошланганига 10 йил тўлади. Ушбу ўзгаришларнинг Марказий Осиё ва бутун Осиё қитъасида ишончни мустаҳкамлаш, яхши қўшничиликни қарор топтириш ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга таъсирини қандай баҳолайсиз?

— Аввало, янги Ўзбекистон концепциясига пойдевор бўлган ислоҳотлар бошланганининг ўн йиллиги муносабати билан мамлакат раҳбариятини самимий муборакбод этаман.

ОҲИЧК учун очиқлик, прагматизм ва конструктив мулоқот айниқса муҳим бўлиб, уларнинг уйғунлиги Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Ўзбекистонга қўшни давлатларнинг жавоб саъй-ҳаракатлари ва ушбу мамлакатлар раҳбарларининг бирлашган сиёсий иродаси натижасида бугун Марказий Осиё яхши қўшничилик ва тараққиётнинг ҳақиқий уйғониш даврини бошдан кечирмоқда.

Барқарор ижобий динамика яққол кўзга ташланмоқда: ўзаро ишонч мустаҳкамланмоқда, минтақавий ҳамкорлик сифати сезиларли даражада яхшиланди, ўзаро савдо ҳажми ортиб бормоқда. Бу жараённинг ўзига хос катализатори Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам Маслаҳат учрашувлари бўлмоқда.

Ушбу ёндашув самарадорлигини энг мураккаб масалалар, жумладан, чегара масалаларини ҳал этиш ҳамда сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш бўйича консенсус излаб топиш жараёни ҳам тасдиқламоқда.

Янги Ўзбекистон концепцияси ОҲИЧК фалсафаси билан табиий тарзда уйғунлашган. Ишонч чоралари ва хавфсизликнинг ягона архитектурасини мустаҳкамлаш ташкилотимизнинг тамойилларига тўлиқ мос келади.

Марказий Осиёда ўзаро ҳурмат ва муросага тайёрликни биринчи ўринга қўядиган муносабатларни барпо этишнинг замонавий модели бутун Осиё қитъасида ишонч чораларини кенгайтириш учун илҳомлантирувчи намуна бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.

— Сўнгги ўн йил давомида Ўзбекистон қатор муҳим халқаро лойиҳалар ташаббускори бўлди. Фикрингизча, Тошкентнинг қайси ташаббуслари Осиёда кўп томонлама мулоқот ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун энг катта аҳамиятга эга?

— Ўзбекистон аҳамияти минтақамиз доирасидан ташқарига чиқадиган муҳим ташаббусларни изчил илгари суриб келмоқда. Улар орасида Марказий Осиёда ва ундан ташқарида барқарорликни мустаҳкамлашга энг сезиларли таъсир кўрсатган икки асосий йўналиш алоҳида эътиборга лойиқ.

Биринчидан, минтақанинг ўзида ишончни мустаҳкамлашга қаратилган тинчликпарвар ташаббуслар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бунда 2025 йилда ўтказилган Фарғона тинчлик форуми муҳим воқеа бўлди. У минтақавий бирдамликка бўлган умумий интилишни намоён этди. Мазкур форумнинг Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон туташган ҳудуд — Фарғона водийсида ташкил этилгани рамзий маънога эга.

Форум тарихий Хўжанд саммитида белгиланган йўналишнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу саммит доирасида қўшни ва биродар давлатлар раҳбарлари аҳамияти ўта юқори бўлган чегара шартномаси ва Абадий дўстлик тўғрисидаги декларацияни имзолаган эдилар.

Эришилган келишувлар яхши қўшничиликнинг мустаҳкам моделини шакллантирди ва сиёсий ирода ҳамда очиқ мулоқот мавжуд бўлган тақдирда энг мураккаб масалалар бўйича ҳам ўзаро мақбул ечимларни топиш мумкинлигини намойиш этди.

Ушбу қадамларнинг муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистон халқаро майдонда изчил илгари сураётган бунёдкорлик концепциясининг долзарблигини тасдиқлайди.

Иккинчидан, мазкур стратегик йўналишнинг давоми сифатида Тошкентнинг хавфсизликни таъминлаган ҳолда ўзаро боғлиқликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга.

Бу жараёнга 2021 йил июль ойида Тошкентда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги юқори даражадаги халқаро конференция катта туртки берди. Кенг кўламли форум стратегик транспорт-логистика лойиҳаларини муҳокама қилиш ва денгиз портларига янги йўлакларни очиш бўйича мустаҳкам концептуал асос яратди ҳамда қатор йирик ташаббусларни бирлаштирди.

Ушбу форумда иштирок этар эканман, илгари сурилган кўплаб ғоялар ОҲИЧК майдонида муваффақиятли амалга оширилиши мумкинлигини мамнуният билан қайд этган эдим. Зеро, ташкилотимиз Осиё қитъасининг Тинч океанидан Ўртаер денгизигача, Шимолий Муз океанидан Ҳинд океанигача бўлган турли ҳудудларини бирлаштирувчи ўзаро боғлиқлик мегалойиҳасидир.

Ўзбекистон Президенти ташаббусларининг глобал даражадаги мантиқий давоми ва амалий ифодаси сифатида 2022 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга қаратилган махсус резолюцияси қабул қилинди. ОҲИЧКга аъзо кўплаб давлатлар мазкур ҳужжатни қўллаб-қувватлади. Резолюция стратегик аҳамиятга эга бўлган икки минтақа ўртасида иқтисодий, транспорт ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлайди.

Ўзбекистон раҳбариятининг ўзаро боғлиқлик жараёнларига комплекс ёндашуви ОҲИЧК мақсад ва вазифалари фалсафаси билан ниҳоятда уйғун.

Бундай синергиянинг яққол амалий ифодаси Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган “Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича Термиз мулоқоти” форуми ҳисобланади. Ушбу ноёб ва долзарб майдон савдо интеграцияси масалаларини яқин ҳудудлардаги хавфсизлик масалалари муҳокамаси билан бирлаштириш имконини берди.

Тошкентда ОҲИЧК шафелигида “Тинчлик, боғлиқлик ва барқарорлик: умумий фаровонлик пойдеворини шакллантириш” мавзусида Термиз мулоқотининг иккинчи йиғилиши ўтказилгани Ўзбекистоннинг икки минтақани ягона, барқарор иқтисодий ўсиш ҳудудига айлантиришга содиқлигини яққол намоён этди.

Ўзаро боғлиқликни кенг маънода кўриб чиқиш лозим: гап нафақат иқтисодий ва молиявий интеграция, балки гуманитар жиҳатдаги боғлиқлик ва маданиятларнинг ўзаро бойиши ҳақида ҳам бормоқда.

— Бугун Ўзбекистон очиқ иқтисодиётни шакллантирмоқда ва барқарор тараққиёт, рақамлаштириш ҳамда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган кун тартибини фаол илгари сурмоқда. Ўзбекистоннинг ОҲИЧК платформасида ушбу йўналишларни



ривожлантириш борасидаги амалий ҳиссаси ва ташаббусларини қандай баҳолайсиз? Бу тажриба минтақа учун қандай истиқболларни очиб беради?

— Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ва технологик ютуқлари инсон капиталини ривожлантиришга устувор эътибор қаратиш билан чамбарчас боғлиқ. Бу ёндашув ОҲИЧК фаолиятининг асосий йўналишларига тўлиқ мос келади. Улар давлатларнинг барқарор ривожланиши нафақат иқтисодий кўрсаткичларга, балки жамият салоҳиятига — сифатли таълим, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва инклюзив мулоқотга ҳам таянишини англашга асосланган.

2020 йилдан буён Инсоний ўлчов бўйича ҳамраис сифатида Ўзбекистон умумий ишларга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Биринчидан, ОҲИЧК Ишонч чоралари каталогининг яқинда янгиланиши доирасида Ўзбекистон томони гуманитар соҳада қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди ва улар каталогда муваффақиятли акс эттирилди.

Бунда умуминсоний қадриятлар, хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу бутун Осиё учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг мазкур стратегик эътибори кейинчалик ОҲИЧКда Озарбайжон раислиги даврида Хотин-қизлар кенгашини ташкил этиш бўйича ташаббуснинг илгари сурилишига кўп жиҳатдан кўмаклашди. Бугунги кунда ОҲИЧК Хотин-қизлар кенгаши илғор тажриба алмашиш ва аёлларни минтақавий ривожланиш жараёнларига сифат жиҳатидан янги даражада жалб этиш учун ишончли платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсати соҳасидаги салмоқли ёндашувини алоҳида таъкидлаш муҳим. Тошкент ОҲИЧК Ёшлар кенгаши ҳамраиси сифатида ёшларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга фаол кўмаклашмоқда. Ёшлар кенгашининг 2023 йилда Самарқандда ўтказилган олтинчи йиғилишини мамнуният билан эслайман. Ушбу тадбир ёшларга, илм-фан ва таълимга таяниш барқарор келажакка ишончли инвестиция эканини яна бир бор тасдиқлади.

Бу ишларнинг мантиқий давоми таълим имкониятларини кенгайтириш ва фуқаролик жамиятини жалб этишдан иборат. Бу йўналишда Ўзбекистон ОҲИЧКга аъзо 13 давлатдаги қарийб 200 та олий таълим муассасасини бирлаштирган Етакчи университетлар ҳамкорлик тармоғи (PNLU) Координация кенгаши аъзоси бўлган Бухоро давлат тиббиёт институти орқали академик ҳамкорликни қўллаб-қувватламоқда.

Бундан ташқари, мамлакатда кўнгиллилик маданияти ижтимоий бирдамликнинг самарали воситаси сифатида изчил рағбатлантирилмоқда. Бунинг яққол тасдиғи сифатида Ўзбекистон делегациясининг 2024-2025 йилларда Остона ва Бокуда ўтказилган кўнгиллилар анжуманларида фаол иштирок этганини келтириш мумкин. Қолаверса, жорий йилда БМТ майдонида ОҲИЧК давлатларидаги кўнгиллиликка бағишланган кўргазма муваффақиятли намойиш этилди. Унда Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги ютуқлари ҳам тақдим этилди.

Рақамлаштириш масаласидаги ҳамкорлик ҳам истиқболли эканини қайд этиш лозим. Тошкент томонидан таклиф этилган “Хавфсиз ва инклюзив рақамли келажакни барпо этиш” мавзусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича ОҲИЧК юқори даражадаги форуми муҳим қадам бўлиши кутилмоқда. У сентябрь ойининг охирида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу майдон инклюзив рақамли келажакни барпо этиш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш, шунингдек, сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши билан инсон ҳуқуқларини таъминлаш ўртасида зарур мувозанатни топиш имконини бериши кутилмоқда.

Барқарор ривожланиш мавзуси алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бу масалага устувор аҳамият қаратиб келмоқда.

Марказий Осиё сайёрамизнинг иқлим ўзгаришига энг заиф минтақаларидан бири эканини ҳисобга олсак, Орол денгизи экотизимига антропоген таъсир оқибатлари фонида бундай экологик таҳдидларни минималлаштириш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришнинг кескин зарурати яққол намоён бўлмоқда. Бу йўлдаги энг муҳим қадамлардан бири кўкаламзорлаштиришдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон шаҳарларида ОҲИЧК хиёбонини барпо этиш ташаббуси ажойиб ғоя сифатида кўринади. Бунёдкорликка қаратилган ушбу жараённи Янги Тошкентдан бошлаш мумкин деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон улкан демографик салоҳиятга эга. Истеъдодли ёшларни замонавий технологик жараёнларга интеграция қилиш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ва таълим алмашинувларини кенгайтириш ОҲИЧК доирасидаги шериклигимизнинг сўзсиз устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг ташкилотимиз қароргоҳи қиёфасига рамзий ҳиссаларидан бири “Осиё боғи”да ўрнатилган ноёб айвон бўлди.

Самарқанд усталарининг ушбу ижоди ўз эстетикаси билан меҳмонларни доимо мафтун қилиб, ўзбек халқининг бой маданиятини ифода этади ҳамда Тошкентнинг ОҲИЧКдаги фаол иштирокининг яққол далили бўлиб хизмат қилмоқда.

— Келгуси ўн йиллик ҳақида гапирадиган бўлсак, халқаро ҳамкорликнинг қайси йўналишлари Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади? Шунингдек, ушбу қутлуғ сана муносабати билан мамлакат раҳбарияти ва халқига нималарни тилаган бўлардингиз?

— Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси аниқ йўналишга эга — бу бой миллий ўзликни сақлаб қолган ҳолда ва барқарор тинчликни таъминлаш асосида жаҳон жараёнларига интеграциялашувдир. Ишончим комилки, келгуси ўн йилликда очиқлик сиёсатини давом эттириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва кўп томонлама тузилмаларда фаол иштирок этиш муваффақиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари бўлиб қолади.



> **— Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси аниқ йўналишга эга — бу бой миллий ўзликни сақлаб қолган ҳолда ва барқарор тинчликни таъминлаш асосида жаҳон жараёнларига интеграциялашувдир. Ишончим комилки, келгуси ўн йилликда очиқлик сиёсатини давом эттириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва кўп томонлама тузилмаларда фаол иштирок этиш муваффақиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари бўлиб қолади.**

Президентимизнинг бу соҳага алоҳида ҳурмати ва эътибори туфайли кейинги йилларда мамлакатимизда тиббий таълимда ва амалий тиббиётда жуда катта ўзгаришлар бўлди. Биргина мисол, тиббиёт олийгоҳларида ижтимоий фанлар соати 10 фоиз қисқартирилгани клиник фанлар салмоғи 10 фоиз ошишига хизмат қилди.

Шунингдек, талабаларга амалий машғулотлар ўтиш 50/50 нисбатда олиб борилмоқда. Бу Европа давлатлари сингари бизда ҳам дуал таълимнинг бир текис йўлга қўйилаётганидан далолатдир.

Андижон давлат тиббиёт институтида симуляция маркази ташкил қилиниши натижасида талабалар ўзлари амалий кўникмаларини мустақил равишда мураббийлар назорати остида бажаради ва ўзлаштиради.

Бугунги кунда дунёда амалга оширилаётган барча ноёб операциялар Ўзбекистонда ҳам, хусусан, Андижонда ўтказилаётгани вилоятимиз тиббиётини янги босқичга кўтарди, Европа даражасига етказди.

ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН АСТОЙДИЛ МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

Муносабат

Водийнинг гавҳари Андижонимизда икки кун катта байрам бўлди десак, муболаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбарини меҳмондўст халқимиз жуда катта қувонч билан кутиб олди. Зеро, Президентимиз ташрифи ҳар гал одамлар қалбига қувонч, ҳаётига фаровонлик олиб киради. Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги шукуҳига ҳамоҳанг бу галги ташрифдан, амалга ошажак янги режалардан ҳам вилоят аҳли катта куч олди.



Қобилжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Андижон давлат тиббиёт институти травматология ва нейрохирургия кафедраси мудири, профессор

Ўзим тиббиёт ходими бўлганим учун, асосан, тиббиёт йўналишидаги баъзи ишларга тўхталишни хоҳлардим.



Мана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси жаҳон андозаларига мос равишда қайта реконструкция қилинди. Юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун кадрлар салоҳияти ҳам, илмий тажриба ҳам етарли. Шуларга таянган ҳолда институт клиникасида йирик бўғимлар касалликларида сунъий бўғимга алмаштириш, тизза бўғими билан боғлиқ барча операциялар, умуртқа поғонаси хасталикларидаги мураккаб жарроҳликлар, жигар, буйрак кўчириб ўтказиш операциялари йўлга қўйилди.

Қисқа қилиб айтганда, беморларнинг кўнгилдагидек даволаниши учун зарур шароитлар яратилди. Бу кўплаб инсонларнинг мураккаб операциялар учун катта маблағ сарфлаб хорижга боришига эҳтиёж қолдирмайди. Зеро, бундай амалиётларни амалга ошириш учун ходимларимиз чет элларда бир неча бор малака ва тажриба ошириб қайтди.

Биз, соҳа ходимларига кўрсатилаётган шундай ғамхўрликларга жавобан бугун олдимизга қўйилган барча вазифалар ижросини таъминлаш учун тиббиёт институти жамоаси ҳам бир тан, бир жон бўлиб, ишончни оқлаш ва халқимиз розилиги йўлида астойдил меҳнат қиламиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Ўзбекистонда ичимлик сув тармоқларидаги эскирган қувурларни алмаштириш, оқова сувни қайта тозалаб, техник эҳтиёжлар, масалан, боғ-хиёбонлар ва йўл ёқаларини суғориш учун қайта ишлатиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ДАВР НАФАСИ

3

2026 йил 28 сентябрь, 201-сон

Буюк ўзбек йўли

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ВА ТАБИАТ ОЛДИДАГИ БУРЧ



Илҳом СУВОНОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти илмий котиби, фалсафа фанлари доктори, доцент

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари илгари сурган миллий юксалиш ғояси марказида инсон қадри туради. Шу нуқтаи назардан, мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари, жамиятнинг билими ва маданияти ҳамда инсоннинг яшаш шароити ўзаро боғлиқ ҳодиса сифатида баҳоланмоқда. Одамларга муносиб турмуш шароити яратилганда ҳамда жамият манфаати кундалик қарорларда ҳисобга олинганда юксалишнинг ҳақиқий мазмуни намоён бўлади. Бундай талқин ўсишнинг кўламини эмас, одамлар ҳаётидаги амалий самарасини биринчи ўринга олиб чиқади.

Шу боис, табиий муҳитнинг ҳолати ҳам тараққиёт сифатини баҳолаш мезонларидан бирига айланади. Янги турар жойнинг қадри унинг ёнидаги қулай йўлак, барқарор сув таъминоти ва дам олиш жойи билан ҳам белгиланади. Корхонанинг самарадорлигини баҳолашда эса маҳсулот ҳажми билан бирга ресурс сарфи ва атрофга кўрсатаётган таъсири ҳам ҳисобга олиниши лозим. Бугунги иқтисодий фойда эртага аҳоли ёки табиат зиммасига оғир юк бўлиб тушмаслиги учун ривожланишнинг узоқ муддатли оқибатларини олдиндан ўйлаш замонавий бошқарувнинг зарурий шартига айланмоқда.

Миллий юксалишнинг маънавий жиҳати ҳам айнан шу нуқтада намоён бўлади. Ўз ҳовлисини обод қилган инсон кўчасидаги дарахтга ҳам эътибор берса, шахсий манфаат жамоатчилик манфаати билан уйғунлашади. Сувдан фойдаланаётган хўжалик ёнидаги қўшнисининг эҳтиёжини ҳисобга олса, тежамкорликка адолат мезони қўшилади. Умумий мақсад одамларнинг кундалик одатларига ва амалий ҳамкорлигига сингигани сари миллий юксалишнинг ижтимоий асоси ҳам шунчалик мустаҳкамланиб боради.

Бундай кўламдаги ривожланиш табиий ресурслардан фойдаланишни ҳам пухта режалаштиришни талаб қилади. Янги корхонанинг сув таъминоти, энергия сарфи ва атроф-муҳитга таъсири уни лойиҳалаш жараёнидаёқ ҳисобга олиниши зарур.

Шаҳарларни кенгайтиришда ҳам худди шундай ёндашув керак. Янги турар жойлар билан бирга сув тармоғи, сояли йўлаклар ва дам олиш масканларига эҳтиёж ортади. Буларга ўз вақтида эътибор берилмаса, кейинчалик камчиликни бартараф этиш анча кўп маблағ ва меҳнат талаб қилади. Демак, экологик талабларни ривожланиш режаларига дастлабки босқичдаёқ киритиш иқтисодий қарорларнинг узоқ муддатли самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бу боғлиқлик саноат тармоқларида ҳам яққол кўринади. Тўқимачилик, озиқ-овқат ёки қурилиш материаллари ишлаб чиқариш муайян миқдорда сув ва хомашё сарфини талаб қилади. Хомашёдан оқилона фойдаланиш, чиқиндини қайта ишлаш ва сув айланиши тизимларини жорий этиш корхона учун қўшимча харажат эмас, аксинча, узоқ муддатли рақобатбардошликнинг шартига айланмоқда.

Масъулият тушунчасининг моҳияти

Табиат олдидаги масъулиятни инсон ўз хатти-ҳаракати атроф-муҳитга ва бошқа одамларнинг ҳаётига қандай таъсир қилишини англаши ҳамда шу англаш асосида йўл тутиши деб таърифлаш мумкин. Бу тушунча экологик ахлоқ ва экологик маданият категориялари билан узвий боғлиқ бўлиб, экологик ахлоқ табиатга муносабатдаги ахлоқий мезонларни, экологик маданият эса билим ва қадриятларнинг кундалик одатларда намоён бўлишини ифодалайди. Масъулият ҳисси ана шу иккисини амалий қарорга айлантиришга хизмат қилади.

Бу масъулиятни уч даражада кўриб чиқиш мумкин.

Биринчи даража шахсий бўлиб, ҳеч ким кузатмаётган пайтда ҳам сувни исроф қилмаслик, дарахтга зарар етказмаслик, ариқни ифлослантирмаслик каби одатлар аслида ички интизом масаласидир.

Иккинчи даража ижтимоийлик бўлиб, умумий бойликдан фойдаланишда ўз эҳтиёжи билан бирга бошқаларнинг эҳтиёжини ҳам ҳисобга олишдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, мактаб, боғча, шифохона атрофидаги яшил ҳудудлар — жамиятнинг дахлсиз бойлиги. Шу боис, уларни асраш шахсий эмас, умумий вазифамиздир.

Учинчи даража эса келажак олдидаги масъулият, яъни ҳали дунёга келмаган авлодлар ҳақида қайғуриш масъулиятидир. Бу уч даражанинг барчаси узвий боғлиқ. Шунинг учун масъулиятни фақат қонунчилик ёки фақат тарғибот воситасида шакллантириш мумкин эмас. Ҳар иккиси бирга, узоқ вақт кундалик амалиётда синалиши керак. Айнан шу жиҳат тўртинчи миллий дастурни бошқа ислоҳотлардан ажратиб туради. Унинг натижаси бир йилда эмас, бир неча ўн йилликлар давомида кўринади.

Сув — ҳаёт ва тараққиёт асоси

Президентимиз нутқида келгуси беш йилда экин майдонларини сув тежайдиган технологиялар билан тўлиқ қамраб олиш вазифаси алоҳида таъкидланди. Шу ўринда айтиш керакки, Жаҳон банкининг 2025 йил 21 майдаги ахборотига кўра, Ўзбекистонда сув истеъмолининг қарийб 90 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади. Шу боис, суғоришдаги самарадорликнинг аҳамияти алоҳида хўжалик доирасидан чиқиб, мамлакатнинг умумий сув хавфсизлиги масаласига айланмоқда.

Технология бу вазифани амалга ошириш воситаси холос. Суғориш усули экин тури, тупроқ хусусияти ва сув манбаига мос танланганда самарадорлик ортади. Айрим шароитда томчилатиб, бошқасида эса ерни текислаш ва сув бериш меъёрини тўғри белгилаш кўпроқ натижа беради. Ускунани созлаш, унга хизмат кўрсатиш ва носозликни ўз вақтида бартараф эта билиш, деҳқоннинг малакаси, ишончли маслаҳати ва техник хизматнинг ўзи каби муҳим омилга айланади.

Сувни тежаш билан бирга адолатли тақсимлаш ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Сув олиш навбати аниқ бўлмаса, тармоқ ҳолати кузатилмаса, энг замонавий ускуна ҳам кутилган самарани бермайди. Қаерда қанча сув сарфланаётгани маълум бўлганда исроф сабабини аниқлаш ва бартараф этиш анча осонлашади. Хонадондаги оддий



манбадан то далагача қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Илмий муассасалар ва хўжаликлар ўртасидаги ҳамкорлик, амалиётда синалган тажрибани кенг тарқатиш бу борада ҳал қилувчи омилга айланмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистонда ичимлик сув тармоқларидаги эскирган қувурларни алмаштириш, оқова сувни қайта тозалаб, техник эҳтиёжлар, масалан, боғ-хиёбонлар ва йўл ёқаларини суғориш учун қайта ишлатиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўчатдан барқарор яшил муҳитга

Яшилликнинг инсон ҳаётига таъсири илмий жиҳатдан ҳам асосланган. АҚШ Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги маълумотига кўра, дарахт ва ўсимликлар соя ҳосил қилиши ҳамда намликни буғлатиши орқали атрофни сезиларли даражада салқинлаштиради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг шаҳар яшил ҳудудлари бўйича шарҳида эса яшил масканларнинг руҳий дам олиш, жисмоний фаоллик ва ижтимоий мулоқотга ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилган. Шу боис, мактаб, боғча, шифохона ва кўп қаватли уйлар атрофидаги яшил ҳудудларни асраш бугун жамиятнинг дахлсиз бойлигини ҳимоя қилиш демакдир.

Туман ва шаҳар марказларида яшиллик кўламини 30 фоизга етказиш мақсади эса



тежамкорлик ҳам умумий натижага ўз ҳиссасини қўшади. Агар юзта оила ҳар куни ўн литрдан сув исроф бўлишининг олдини олса, ўттиз кунда ўттиз минг литр, яъни ўттиз куб метр сув тежалади. Бу кичик одатлар йиғиндиси катта натижага олиб келишига ёрқин мисолдир.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, сув тежовчи технологиялар қамровини кенгайтирган мамлакатлар, одатда, буни ягона чора сифатида эмас, комплекс ёндашув таркибида амалга оширганини кўрамиз. Томчилатиб суғориш билан бирга тупроқ намлигини рақамли сенсорлар орқали кузатиш, метеорологик маълумотлар асосида суғориш жадвалини тузиш, ҳосилдорлик ва сув сарфи ўртасидаги нисбатни доимий таҳлил қилиш усуллари кенг тарқалган. Бундай тизимли ёндашув Ўзбекистон учун ҳам муҳим йўналиш. Чунки фақат технологияни ўзгартириш эмас, балки сув хўжалигининг бутун занжирини, шаҳарсозлик фалсафаси ўзгаришини тақозо этади. Яшил ҳудуд лойиҳанинг дастлабки босқичидан бошлаб ҳисобга олинадиган таркибий қисмга айланиши, кўчат тури маҳаллий иқлим ва тупроқ хусусиятларига мос танланиши лозимлигига эътибор қаратилади.

Экилган кўчатни кузатиш борасида рақамли ёндашувлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида юз мингдан ортиқ дарахтга электрон рақам берилиб, уларнинг ўсиши ва ҳолати махсус тизим орқали кузатилмоқда. Бундай назорат “қанча кўчат экилди?” деган саволдан “қанчаси ҳақиқатан вояга етди?” деган саволга ўтишни амалда таъминлайдиган воситадир. Рақамли кузатув, шунингдек, қайси ҳудудда қандай кўчат тури яхши тутиб қолаётганини аниқлаш, келгуси режаларни шу тажриба асосида такомиллаштиришга ёрдам беради.

Оролбўйи ва чўлланишга қарши кураш

Тўртинчи миллий дастурнинг алоҳида ва тарихий аҳамиятга молик йўналиши, албатта, Оролбўйи ҳудудидаги экологик тиклаш ишларидир. Денгиз қуриши натижасида ҳосил бўлган Оролқум чўли минтақа учун чанг ва туз бўронларининг асосий манбаига айлангани, бу эса аҳоли саломатлиги ва қишлоқ хўжалигига узоқ йиллар давомида салбий таъсир кўрсатиб келаётгани сир эмас. Сўнгги йилларда бу муаммони бартараф этиш



> **Экилган кўчатни кузатиш борасида рақамли ёндашувлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида юз мингдан ортиқ дарахтга электрон рақам берилиб, уларнинг ўсиши ва ҳолати махсус тизим орқали кузатилмоқда.**

йўлида изчил ишланмоқда. Маълумотларга кўра, Оролбўйида барпо этилган ҳимоя ўрмонлари майдони 2 миллион гектардан ошгани фикримиз далилидир.

“Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида 2021 йилдан бошлаб беш йил ичида 1 миллиард туп дарахт ва бута экиш вазифаси белгиланган эди. Ушбу дастур асосида саксовул, қандим, черкез каби қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар қуриган денгиз тубига экилди. Натижада нафақат тупроқни шамол эрозиясидан асрамоқда, балки минтақанинг микроиқлимини ҳам аста-секин яхшиламоқда. Бу борада Германия каби давлатлар билан ҳам илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, иқлим ўзгаришига чидамли саксовул навларини биргаликда ўрганиш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Оролбўйидаги тажриба шуни кўрсатадики, энг оғир экологик оқибатларни ҳам изчил, илмий асосланган ва узоқ муддатли саъй-ҳаракат билан юмшатиш мумкин. Бу эса тўртинчи миллий дастурнинг моҳиятини, яъни бугунги қарорлар келажак учун қандай натижа беришини намоён этади.

Оролбўйидан ташқари, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам тупроқ шўрланиши ва деградацияси жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Нотўғри суғориш тартиби, дренаж тизимларининг етарли даражада ишламаслиги оқибатида айрим экин майдонларининг унумдорлиги пасайиб бормоқда. Шу боис, сув тежаш билан бир қаторда тупроқ саломатлигини тиклаш, дренаж инфратузилмасини замонавийлаштириш ва илмий асосланган алмашлаб экиш тизимларини жорий этишни ҳам тўртинчи миллий дастурнинг узвий қисми сифатида кўришимиз мумкин.

Минтақавий ҳамкорлик ва иқлим омили

Сув масаласини фақат бир мамлакат чегараси доирасида кўриш мантиққа зид. Марказий Осиёнинг катта қисми Амударё ва Сирдарё ҳавзалари орқали боғланган. Жаҳон банкининг Марказий Осиёда сув ҳамкорлигига оид ахборотида таъкидланишича, минтақа мамлакатлари ўртасидаги чекланган ҳамкорлик ҳар йили 4,5 миллиард доллардан ортиқ иқтисодий зарар келтирмоқда. Сўнгги олтмиш йилда эса минтақадаги музликлар юзаси 30 фоиз қисқарган. Бу рақамлар умумий сув ресурсларини бошқариш ва давлатлар ўртасида маълумот алмашишни яхшилаш заруратини яққол кўрсатади.

Иқлим ўзгариши шароитида бундай ҳамкорликнинг аҳамияти янада ортади. Сув кам келадиган мавсумларга тайёргарлик кўриш, қурғоқчилик хавфини баҳолаш ва тежамкорлик тажрибасини алмашиш минтақавий барқарорликка хизмат қилади. Мамлакатда амалга оширилаётган сув тежаш чоралари эса айнан шу ҳамкорликнинг амалий таянчидир. Ички ислоҳот билан минтақавий мулоқот бир-бирини тўлдирувчи жараёнлардир. Шунингдек, Орол муаммосини ҳал этишда қўшни Қозоғистон билан ҳамкорлик давом этмоқда. Икки мамлакат ҳам қуриган денгиз тубининг ўз ҳудудига тегишли қисмида саксовулзорлар барпо этиш борасида параллел ишламоқда. Бу эса минтақавий экологик муаммони ҳал этишда биргаликдаги ҳаракатнинг қанчалик муҳимлигини кўрсатмоқда.

Табиатга масъулиятли муносабатни фақат харажат сифатида кўриш бир томонлама ёндашувдир. Сув тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш, кўчатзорлар барпо этиш, ландшафт дизайни каби йўналишлар кичик ва ўрта бизнес учун янги имкониятлар яратмоқда. Табиий манзараларни сақлаш эса экотуризм ривожи учун имконият очади. Бироқ бунда сув сарфи ва чиқиндиларни бошқариш масаласи ҳам инобатга олиниши лозим. Демак, табиатни асраш билан уни оқилона иқтисодий муомалага киритиш ўртасида зиддият йўқ. Тўғри режалаштирилган ёндашувда булар бир-бирига хизмат қилади.

Ёшлар тадбиркорлиги учун ҳам бу йўналиш кенг имконият яратмоқда. Сув сарфини назорат қилувчи мобил иловалар, томчилатиб суғориш ускуналарини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар, маҳаллий кўчатзорлар — буларнинг барчаси нисбатан кам сармоя билан бошланиб, амалий фойда келтирувчи соҳалардир. Давлат томонидан бундай ташаббусларни имтиёзли кредитлаш ёки грантлар орқали қўллаб-қувватлаш экологик масъулиятни ёшларнинг касбий фаолиятига айлантиришга хизмат қилади. Натижада табиатни асраш вазифаси мажбурий чоралар мажмуидан кўра, амалий фойда келтирувчи, жозибадор фаолиятга айланади.

Жамоатчилик иштироки ва экологик тарбия

Қайси кўчада соя етишмаётгани, қайси кўчатга парвариш кераклиги, сув қаерда беҳуда оқаётганини маҳалла аҳли яхши билади. Аҳолининг таклифини тинглаш ва бажарилган иш ҳақида очиқ маълумот бериш ишончни мустаҳкамлашнинг ягона йўли. Табиатга муносабат эса, аввало, оилада шаклланади. Бола катталарнинг сувдан қандай фойдаланиши, дарахтга қандай қарашини кузатиб ўрганади. Ўзи парваришлаган ниҳолнинг вояга етишини кўриш меҳнат билан натижа ўртасидаги боғлиқликни ҳис қилишга ёрдам беради.

Мактабда ўқувчиларнинг дарахт ҳолатини кузатиши, соя ва очиқ жойлар фарқини таққослаши экологик билимни шахсий тажриба билан бойитади. Илмий муассасалар ҳудудга мос кўчат танлаш бўйича тавсияларни, оммавий ахборот воситалари содда ва ишончли маълумотларни кенг тарқатиши лозим. Давлат, илм-фан, оммавий ахборот воситалари ва фуқаро ана шу занжирнинг ҳалқалари бўлиб, бирортасининг сустлиги умумий натижага путур етказади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ҳам бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Кўча ёки маҳалла миқёсида қандай эҳтиёж борлигини аниқлаш, шу эҳтиёжни қондириш учун зарур ресурсларни сафарбар этиш ва натижани аҳолига очиқ етказиш фуқаролик жамияти ва давлат идоралари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашнинг амалий йўлидир. Кўнгиллилар, масъул ташкилотлар, ёшлар бирлашмалари ва хайрия жамғармаларининг экологик тадбирлардаги иштироки ҳам бу жараённи бойитиб, давлат бажараётган ишларни жамоатчилик ташаббуси билан тўлдиради.

Экологик тарбиянинг узлуксизлиги муҳим шартлардан. Мактабгача таълимдан бошлаб олий таълимгача бўлган барча босқичда табиатга оид билим аста-секин чуқурлашиб, назариядан амалиётга ўтиши керак. Кичик ёшда оддий кузатув ва ўйин орқали берилган тушунча ўрта мактабда лаборатория машғулотлари ва амалий лойиҳалар, олий таълимда эса илмий тадқиқот ва ихтисослашган билим билан бойитилади. Бундай узлуксизлик таъминланса, келажакда мамлакат нафақат экологик саводли фуқароларга, балки соҳанинг ўзида ишлайдиган малакали мутахассисларга ҳам эга бўлади.

Президентимизнинг “Табиатга муносабат халқнинг маданияти, давлатнинг масъулияти ва тараққиётнинг сифат кўрсаткичидир” деган фикри тўртинчи йўналишнинг фалсафий мазмунини яхлит ифодалайди. Халқ маданияти — тежамкорлик, озодалик ва умумий бойликка эҳтиётқор муносабат, давлат масъулияти — фойдаланиш қоидалари, зарур инфратузилма ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш. Бу уч тушунча бир-бирини тўлдиради: халқ маданияти бўлмаса, давлат саъй-ҳаракатининг якка ўзи натижа бермайди, давлат масъулияти бўлмаса, халқ маданияти тизимли қўллаб-қувватловсиз қолади.

Тараққиёт сифати эса аниқ саволларга берилган жавоблар билан баҳоланади. Сув таъминоти яхшиландими, кўчатлар соғлом ўсяптими, аҳолига қулай яшил жойлар кўпайдими? Натижа одамлар ҳаётида кўринганда жамоатчилик ишончи ҳам ортади. Шу маънода, экологик натижа бошқарув маданияти ва қабул қилинган қарорлар сифатининг ҳам кўзгусидир.

Бундай ёндашув ҳисобдорлик тизимининг янгича шаклланишини ҳам тақозо этади. Хусусан, ҳар бир туман ёки соҳа кесимида сув тежаш, яшиллик кўлами ва экологик кўрсаткичлар бўйича очиқ ҳисобот тизимини йўлга қўйиш, эришилган натижаларни ҳам, аниқланган камчиликларни ҳам жамоатчиликка ошкора тақдим этиш зарур. Фақат шундай шаффофлик орқали фуқаролар давлат сиёсатининг амалий самарасини ўз кўзи билан кўра олади. Ўз навбатида, бу жараёнда фаол иштирок этишга интилади. Ишонч эса ҳар қандай узоқ муддатли ислоҳотнинг энг мустаҳкам таянчидир.

Келажак авлодга қоладиган мерос

Тўртинчи миллий дастурнинг якуний натижаси одамлар ҳаётидаги ўзгаришларда намоён бўлади. Бугун экилган кўчат соясида эртага биз танимайдиган бир инсон дам олиши мумкин. Унга бу дарахтни ким экканини билиш шарт эмас, қилинган меҳнатнинг фойдаси барибир етиб боради.

Табиат олдидаги масъулиятнинг энг чуқур маъноси ҳам шундаки, бугунги қарор кейинги авлоднинг яшаш шароитини белгилайди. Фарзандларга қоладиган мерос таркибида фақат янги корхоналар ва рақамларгина эмас, балки соғлом тупроқ, ишончли сув манбаи ва сояли кўчалар ҳам бўлиши керак.

Миллий юксалиш ғоясининг тўртинчи йўналишдаги ифодаси ана шу давомийликни таъминлаш, бугунги фаровонликни яратиш жараёнида келажакнинг яшаш имкониятларини ҳам асрашдир. Шу нуқтаи назардан, қабул қилинган янги миллий дастур иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарорлигини, инсон қадрини юксалтириш ғоясининг амалий ифодасини ва келажак авлодлар олдидаги ахлоқий бурчни бир-бирига боғлаб турувчи умумий замин. Шу билан бирга, фуқаролар қалбида табиатга масъулиятли муносабат қанчалик ривожланса, миллий юксалишнинг барча йўналиши шунчалик мустаҳкам асосга эга бўлади. Чунки ҳар қандай тараққиёт инсон яшайдиган муҳитнинг сифати билан баҳоланади.



Газнинг ҳудудлар бўйича тақсимоти, ташилиши, истеъмолчига етказилиши ҳам ягона занжир сифатида ишлаши керак. Занжирдаги бир бўғин суст ишласа, таъсири охирги манзилда сезилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Таҳлил

ЭҲТИЁЖДАН ЕЧИМГАЧА:

АҲОЛИ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ ИЗЧИЛ ҚАДАМЛАР

Бугун мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида, жумладан, қишлоқларда суюлтирилган газ тўлдирилган баллон хонадон ҳаётининг бир қисмига айланган. Бир баллон тўлса, оила бир неча ҳафталик ош-овқатини хотиржам режалаштиради. Илгари ўтин ташиш, майдалаш, олов ёқиш, тутун ичида овқат тайёрлаш кўп вақт ва меҳнат талаб қилган. Суюлтирилган газ эса кундалик мана шу юмушларни анча енгиллаштирди.







Масаланинг кўлами мамлакат миқёсидаги рақамларда ҳам кўринади. Бугун 3 миллион 800 мингга яқин одам ва 2000 га яқин ижтимоий соҳа объекти суюлтирилган газдан фойдаланади. Жорий йилда уларнинг эҳтиёжи учун 604 минг 800 тонна газ етказиб бериш режалаштирилган. Шундай катта истеъмол ҳажмини таъминлаш учун ресурсни ишлаб чиқариш ва харид қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Газнинг ҳудудлар бўйича тақсимоти, ташилиши, истеъмолчига етказилиши ҳам ягона занжир сифатида ишлаши керак. Занжирдаги бир бўғин суст ишласа, таъсири охирги манзилда сезилади.

Маълумотларга кўра, суюлтирилган газни 46 кундан ортиқ муддатда олаётган истеъмолчилар улуши 22 фоизни ташкил этади. Бир ойдан ортиқ кутиш даврида оила кундалик эҳтиёжини бошқа ёқилғи ҳисобига қоплаши мумкин. Бундай вазият қўшимча харажатни юзага келтиради. Айниқса, белгиланган нархда олиниши керак бўлган газ ўрнига бозор нархида ёқилғи харид қилинса, оила бюджетига тушадиган босим ортади.

Ана шу жиҳатлар суюлтирилган газ таъминотига янгича ёндашув зарурлигини кўрсатади. Президентимизнинг 2026 йил 12 сентябрдаги “Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида соҳага бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, вазифаларни ихтисослаштириш, молиявий ҳисоб-китобларни очиқлаштириш ва аҳолига газ етказиб бериш устуворлигини таъминлаш бўйича аниқ чоралар белгиланган. Бу ерда асосий масала фақат тизимнинг номи ёки ташкилотлар таркибини ўзгартириш билан чекланмайди. Гап газни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказишгача бўлган тизимни тартибга солиш ҳақида бормоқда. Ҳар бир бўғин аниқ ишласа, натижа ҳам шунга яраша бўлади.

Қарорда “Ҳудудгазтаъминот” АЖ таъсисчилигида “LPG-Trade” МЧЖ ташкил этилиши белгиланган. Янги тузилма суюлтирилган газни биржа орқали харид қилиш ва белгиланган тартибда аҳолига етказиб бериш билан шуғулланади. Вазифаларнинг бир жойда аниқ белгиланиши таъминот занжиридаги масъулиятни кучайтиради. Масалан, қишлоқдаги хонадон суюлтирилган газ ололмай қолганда қаерга мурожаат қилишни билиши керак. Газни ким харид қилгани, ким тақсимлагани, ким етказиб бериши кераклиги тизимнинг ўзида аниқ кўриниши зарур. Масъулият бор жойда натижани талаб қилиш ҳам осонлашади. Бу оддий фуқаро учун жуда муҳим. Тизим қанчалик мураккаб бўлмасин, хизмат истеъмолчи учун содда бўлиши керак.

Ҳуқуқий ҳужжатда республика корхоналарида ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган суюлтирилган газни, ўз шохобчаларида сотиладиган ҳажмлардан ташқари, биржа савдолари орқали сотиш белгиланган. Аҳолига газ етказиб берувчи корхоналар маҳсулотни биржадан ва импортдан тўғридан тўғри харид қилади. Тартибнинг аҳамиятини оддий мисолда кўриш мумкин. Бирор маҳсулот қаердан келаётгани, қандай нархда олинаётгани ва кейин қаерга етказилаётгани аниқ бўлса, ҳаракатини кузатиш ҳам осон кечади. Газ таъминотида ҳам шундай аниқлик керак. Қайси ҳудудга қанча ресурс кераклиги ҳисобланади. Харид жараёни очиқ кўринади. Тақсимотдаги ҳаракат кузатилади. Охирги манзил эса хонадон бўлади. Шу занжирнинг бирор жойида узилиш пайдо бўлса, уни аниқлаш имкони ҳам кенгаяди.

Янги тартибнинг яна бир муҳим жиҳати — хусусий сектор иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ. Андижон вилоятида суюлтирилган газ етказиб бериш жараёнига хусусий операторларни жалб қилиш бўйича пилот лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Агар бир ҳудудда хизмат кўрсатувчи операторлар кўпайса, аҳоли буюртма бериш, маълумот олиш ва хизматдан фойдаланишда қулайлик сезиши керак. Қўнғироқ қилиб, бир неча жойдан маълумот излаш ўрнига хизмат ҳолатини онлайн кузатиш имконияти пайдо бўлиши мумкин. Газ машинасининг қачон келишини билиш ҳам одамларнинг вақтини тежайди.

Қарорда истеъмолчилар учун мобил илова ҳамда онлайн хизматларни йўлга қўйиш назарда тутилган. Бу бир қарашда техник янгиликдек туюлади. Аслида, унинг ортида жуда оддий ва зарур эҳтиёж турибди. Одам ўзига келтирилаётган газ ҳақидаги маълумотни қаердан олишни билиши керак. Буюртма берган бўлса, унинг ҳолатини кўра олиши, тўлови ҳамда етказиб бериш жараёни ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши лозим. Бугун кўплаб хизматлар телефон орқали бир неча дақиқада ҳал бўлаётган бир пайтда газ таъминотида ҳам шундай қулайликка эҳтиёж бор. Рақамлаштиришнинг аҳамияти ана шунда. У катта тизимни аҳолига яқинлаштиради. Истеъмолчининг вақти тежалади. Маълумот очиқ бўлади. Хизмат кўрсатувчи билан истеъмолчи ўртасидаги муносабат ҳам аниқроқ шаклга келади.

Нарх ҳар бир оила учун муҳим масалалардан. Амалда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига суюлтирилган газ имтиёзли нархларда етказиб берилмоқда. Уни ишлаб чиқариш, импорт ва харид қилиш ҳамда ташиш харажати мавжуд. Шу чиқим билан аҳолига белгиланган нарх ўртасидаги фарқ бюджет ҳисобидан қопланади. Харажат ошиб борган сари бюджетдан ажратиладиган маблағга эҳтиёж ҳам ортади. Бу ерда давлат олдида икки вазифа туради. Аҳоли учун оғирликни камайтириш билан бирга давлат маблағларидан мақсадли фойдаланиш зарур. Қарордаги янги ёндашув шу икки вазифани бир тизимда ҳал қилишга қаратилган.

Шу мақсадда кросс-субсидиялаш амалиётини босқичма-босқич бекор қилиш ва эҳтиёжманд аҳолига манзилли ёрдам бериш кўзда тутилмоқда. Харид қилинган суюлтирилган газнинг ҳар бир килограмми учун ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга компенсация тўлаш механизми белгиланган. Бу ерда гап оддий ҳисоб-китоб ҳақида кетмаяпти. Масалан, икки хонадон бир хил миқдорда газ ишлатиши, лекин уларнинг даромади, оилавий шароити ва имконияти баробар бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ёрдамни эҳтиёжманд хонадонга манзилли етказиш масаласи муҳим. Давлат маблағи умумий харажатлар ичида тарқалиб кетмай, ёрдамга муҳтож оилага бориб етса, самараси ҳам кўринади. Асосийси, компенсация ўз вақтида тўланиши лозим. Чунки рўзғордаги эҳтиёж бугун бўлади. Унинг ечими ҳам ўз вақтида ҳал этилиши керак.

> **Маълумотларга кўра, суюлтирилган газни 46 кундан ортиқ муддатда олаётган истеъмолчилар улуши 22 фоизни ташкил этади. Бир ойдан ортиқ кутиш даврида оила кундалик эҳтиёжини бошқа ёқилғи ҳисобига қоплаши мумкин. Бундай вазият қўшимча харажатни юзага келтиради. Айниқса, белгиланган нархда олиниши керак бўлган газ ўрнига бозор нархида ёқилғи харид қилинса, оила бюджетига тушадиган босим ортади.**

Қарорда ижтимоий соҳа объектлари учун ҳам алоҳида тартиб белгиланмоқда. Уларга суюлтирилган газ биржа баҳосида етказиб берилади. Аҳолига белгиланган нархда сотиш натижасида юзага келадиган фарқни республика бюджети ҳисобидан қоплаш назарда тутилмоқда. Бунинг ортида мактаб, боғча, тиббиёт муассасаси каби объектларнинг кундалик фаолияти турибди. У ерда газнинг ўз вақтида бўлиши бир оиланинг эмас, кўплаб одамларнинг эҳтиёжига дахл қилади. Шу сабабли бу йўналишда ҳам таъминотнинг узлуксизлиги муҳим. Ҳисоб-китоблар аниқ бўлса, маблағ қаерга сарфланаётганини кузатиш осонлашади. Бюджет харажати шаффофлиги ортади.

Янги тартибда рақамлаштириш ва шаффофликка урғу берилаётгани ҳам бежиз эмас. Таъминот тизимида рақам қанча кўп бўлмасин, уларнинг ҳаракати очиқ кўринмаса, тизимни назорат қилиш қийинлашади. Қанча газ келди, қанчаси аҳолига ажратилди, қанчаси ижтимоий объектларга етказилди, қанча маблағ сарфланди — бу саволларнинг аниқ жавоби бўлиши керак. Рақамлаштириш шу жараённи кузатиш имконини кенгайтиради. Истеъмолчи ҳам, ўз навбатида, хизмат ҳақида аниқ-тиниқ маълумот олади. Бундай тартибда ортиқча оворагарчилик камаяди. Энг муҳими, тизимдаги масъулият кучаяди.

Газ таъминотида хавфсизлик масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Газ тўлдириш иншоотлари белгиланган талабларга жавоб бериши керак. Ташиш жараёнида эҳтиёт чораларига амал қилиниши зарур. Операторлар ҳам малакали мутахассислар бўлиши шарт. Бу талабларнинг ҳар бири ортида инсон ҳаёти турибди. Шунинг учун хусусий операторлар кўпайиши билан назорат ҳам кучайишига зарурат ортади. Рақобат хизматни яхшилаши мумкин. Хавфсизлик талаблари эса ҳар бир оператор учун бир хил бўлиши лозим. Газ билан ишлашда энг кичик бепарволик ҳам катта кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Шу боис, янги тартибда хизмат қулайлиги билан хавфсизлик ёнмаён бориши талаб этилади.

Ҳар бир катта тизимнинг қиймати унинг одам ҳаётида қолдирган таъсири билан баҳоланади. Қишлоқдаги хонадонлар учун эса бу таъсир жуда оддий манзарада намоён бўлади: ошхонада олов ёниб турибди, қозонда таом пишяпти, хонадонда кундалик ҳаёт ўз маромида давом этяпти. Шу оддий манзара ортида қанча меҳнат, қанча ҳисоб-китоб ва қанча масъулият турганини кўпинча сезмаймиз.

Суюлтирилган газ таъминотидаги янгиланишларнинг моҳияти ҳам охир-оқибат ана шу хотиржамликка бориб тақалади. Одам сарсон бўлмаса, ўз эҳтиёжини олдиндан билса, белгиланган тартибга ишонса, тизим ўз вазифасини бажараётган бўлади. Бир хонадондаги қулайлик, бир оиланинг тежалган вақти, бир рўзғорнинг хотиржамлиги катта ўзгаришларнинг инсон ҳаётидаги энг аниқ кўринишидир. Одамлар турмушида шу хотиржамлик қанча кўпайса, қилинган ишнинг самараси ҳам шунча кенг намоён бўлади.

Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

МЕВАСИНИ ЕБ, БОҒИНИ ҲАМ СУРИШТИРИНГ



Болалигимизда ейилган хурмо данакларини қизиқиш билан гултувакларга экиб кўрардик. Данак ниш уриб, сал бўй кўрсатарди-ю, бир қаричдан уёғига ўтмасди. Банан, киви каби тансиқ меваларни еганимизда эса “Шулар бизнинг ерларимизда ҳам пишармикин-а”, дердик.



Томорқа — даромад манбаи

Не ажабки, бугунга келиб серқуёш заминимизда банан ҳам, мандарину киви ҳам пишиб етиляпти. Пишганда ҳам ўз ватанидагидан-да мазалироқ. Биргина мисол. Фарғона вилоятининг Қува туманидаги Янгичек маҳалласида яшовчи Эсонжон ота Ҳошимов етиштираётган кивидан татиб кўрсангиз, нордон таъмни сезмайсиз. Шунинг учун бу ерга келиб мевани еб кўрганларнинг аксари “Ўзбекистонда бошқача пишар экан-а, биз ҳам экиб кўрайлик”, деб кўчатини сотиб оляпти. Чунки боғбон “Кивизор яратиб қўйдим, шундан келадиган даромад етади”, деб ўтиргани йўқ. Бошқаларнинг ҳам даромадли бўлиши, уйида боғ яратишини ўйлаб, янги-янги кўчатларни харидорларга етказиб беряпти. Зеро, унинг 3 сотихгина ердан яхшигина фойда кўраётгани кўпчиликни кивичиликка қизиқтираётгани рост.

Аслида, оёқ чўзиб ётадиган ёшида ҳам тиниб-тинчимаган Эсонжон отанинг ўзи кивичиликка қандай қизиқиб қолган?

“Аввалига банан экиб кўрдим. Унибўсиб, гуллади. 100 га яқин майда-майда найчали, бодрингга ўхшаган мева ҳам қилди. Негадир пишира олмадим, — дея гап бошлади отахон. — Деҳқончилик қонимизда борда, бирда ундоқ, бирда бундоқ-да, деб кайфиятимни туширмадим. Бозордан бир кило киви уруғини олиб келиб, 10 метр жойга сепдим. Чунки бир агроном танишим “Уруғдан чиққан кўчат ўзимизнинг ерга, иқлимга яхши мослашади, 80 фоиз самарадорлик бўлади”, деганди.

Уруғларни 30 кун сувда ивитиб, кейин биогумусга экдим. Уруғидан ундираман десангиз, бирор кун ҳам намликни қочириш керакмас. 27 кун деганда унаётган уруғларнинг олди кўринишни бошлайди, 30 кунда тўлиқ чиқиб олади. Ундан кейин то чинбарг чиқаргунича эҳтиётлаб, офтобда куйиб қолмаслиги учун салқинроқ жойга экилади. Салгина бепарво бўлсангиз, навниҳол қуриб қолади. Ўзини тутиб олганидан кейин эса кузга, қишга бориб қаттиқ ўзакка айланади ва бу бир ёшли кўчат ҳисобланади. Ана шу кўчат баҳорда 15 сантиметрга биттадан помидор кўчатини эккандай экилади.

Иккинчи йилда кўчатнинг томири маҳкам попук томирга айланади. Биогумусга, озуқага бой жой бўлса, икки ярим метргача ўсади. Мен ҳеч қанақа кимёвий ўғит ишлатмайман, фақат биогумусдан фойдаланаман. Калифорния чувалчангидан биогумус оладиган яхши мутахассисни топиб олсангиз, кўчатингиз яхши, текис чиқаверади. Агар бу борада ҳам бепарволик қилинса, кўчатлар сийракроқ бўлиб қолади. Яхши ўғит ҳам меванинг мазасига таъсир қилса керак. Қолаверса, юртимиз серқуёш, шунинг ҳисобига кивиларимиз чет элникидан ширин, назаримда”.

Эсонжон отанинг айтишича, у етиштираётган киви “ҳейвард” деган навдан, совуққа чидамлилиги яхши. Узум кўчати сингари ишкомга ўрлаб кетади, хомток қилиниб, ўсиб кетган шохлари кесилади. Апрелда хурмо дарахти билан бир пайтда бойчечакка ўхшаб гуллайди. 10 майгача мева тугади. Гулининг ҳиди худди узум гулиникига ўхшаб хушбўй бўлади.

Мақола аввалида айтганимиздек, боғбон киви кўчатларини бозорга олиб чиқиб сотаётгани йўқ, одамларнинг ўзи уйидан олиб кетяпти. Қўшни давлатлардан, айниқса, Тожикистондан, Қирғизистондан ҳам харидорлар бор. Яхши-да, бир сотих жойдан ўрта ҳисобда мевасию кўчати билан бирга 100-120 миллион атрофида даромад келиб турибди. Қўни-қўшни, қариндошларга эса бепул улашилиб, дуоси олиняпти.



Биринчи йили 15 кило бўлган ҳосил чўғи йилдан йилга кўпайиб бораётгани боғбоннинг кучига куч қўшади. У бу йил 30-35 та қутида ҳосил ва камида 150 миллион сўм даромад кутяпти. Меҳнатнинг роҳатини кўрадиган кунларга эса оз қолди. Киви бизнинг шароитда октябрь ойи охиридан бошлаб ноябрнинг биринчи ўн кунлиги оралиғида пишиб етилади. Киви пишар пайти дарахтнинг ўзи белги беради — барглари тўкилиб, мевалари шундоққина кўриниб қолади. Агар битта қиров еса борми, янада мазали бўлади.

Айни пайтда Эсонжон ота кивининг яна бир янги навини етиштириш ниятида. Боғбоннинг айтишича, киви бизга асосан Хитойдан кириб келади. Эрондан келаётган нав мевасининг туки камроқ, усти сал кенгроқ бўлади.

— Энди “голд” деган кивидан етиштириб кўрмоқчиман. Бу Аргентина томонлардан келади. Ичи қизил киви, аммо ниҳоятда ширин, тотимли бўлади дейишяпти. Бу навдан ҳам 20-30 та ундириб қўйдим, — дейди кекса боғбон.

Боғбоннинг ҳосили жуда кўпайиб кетган тақдирда ҳам уни сотиш муаммо эмас. Уйига яқин жойда мева-сабзавотларнинг улгуржи бозори бор. Қолаверса, бугун ҳокимликлар ҳам тадбиркорни ёлғизлатиб қўймайди. Маҳалланинг ривожланишига, одамларнинг ишли, даромадли бўлишига ҳисса қўшаётганларнинг ҳурмати жойида. Бир қарич еридан ҳам унумли фойдаланаётганлар бошқаларга ибрат ўлароқ, алоҳида эътироф этиляпти. Чунончи, гап ер майдони катта-кичиклигида эмас, ундан қай даражада самарали фойдаланишда. Эсонжон ота Ҳошимов кабилар шу йўлдан бориб, хонадонига даромад, рўзғорига барака киритяпти.

Фарғонада кивичилик ривож топаётган бўлса, Наманганнинг Тўрақўрғонидаги Калвак маҳалласи хурмочиликда илгарилаб кетди. Аслида, тумандаги 50 га яқин маҳалланинг драйвери — боғдорчилик. Калвак маҳалласидаги мингдан зиёд хонадоннинг деярли барида хурмо дарахти бор. Йилига 200 тоннагача ҳосил Россия, Қозоғистон ва Европа давлатларига экспорт қилинади. Бунинг ортидан мавсумда ҳар бир оила 30 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача фойда кўради.

Шу кунларда экспортбоп хурмолар узилиб, харидорларга етказиляпти. Маҳаллада 500 дан ортиқ мавсумий, 200 дан зиёд доимий ишчи шу юмуш билан банд. Мавсумий ишчилар кунига 200 мингдан 300 минг сўмгача даромад қилади.

Калвак маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Акмал Комиловнинг айтишича, маҳалла аҳли фақат хурмо етиштирмайди, эрта баҳордан кўчатчиликка куч беради. Помидор, булғор қалампири, бақлажон, бодринг, қўйингки, томорқага экиладиган турфа кўчатлар 200 дан ортиқ хонадондаги иссиқхонада бўй чўзади. Кўчат мавсуми гилос экспортига уланиб кетади. Сўнг узум, шафтоли, ўрик, хуллас, хурмо пишиғигача иш узилмайди. 1,5 мингга яқин оила, 5 мингдан зиёд аҳоли иссиқхоначилик ва боғдорчиликдан кун кўряпти.

Ҳоким ёрдамчиси эътироф этган энг йирик мева экспортчилари билан суҳбатда боғбонларга чиндан ҳавасимиз келди. Ҳалол меҳнат билан ҳам соғлом турмуш тарзи, ҳам фаровон ҳаётга эришаётганлардан бири Нуриддин Қодиров хурмонинг “Супер королёк”, “Бахмал”, “Офарин” каби 15-20 хил янги навини парваришлаяпти. Узоқ муддатга имтиёзли берилган 30 сотих ердан унумли фойдаланиб, 20 сотихига хурмо, қолганига гилоснинг янги навларидан эккан.

— Октябрь ойига ўтиб, қулупнай экиш ҳаракати бошланади. Мевани етиштириш учун қулай бўлган пластик қувурни ўртасидан ёрдириб, тайёрлаб қўйганмиз. Насиб қилса, халқимизнинг янги йил дастурхонига ўзимизнинг қулупнайларимизни етказиб берамиз. Бундан ташқари, эрта баҳорда очиладиган гуллар экамиз, — дейди тажрибали боғбон. — Февралга ўтиб кўчат сотиш бошланади. Март, апрель ойларида 30-40 хил кўчат, 10 хилгача гул кўчатини етиштириб оламиз. Хотин-қизлар байрамига гулларимиз очилиб, савдоси роса қизийди. Маҳсулотларимизни сотиш учун куну тун ишлайдиган дукон ҳам очмоқчимиз.

Қаҳрамонимиз айни кунларда хурмони уйидан туриб, Россияга экспорт қиляпти. Бошланишига камроқдан, октябрга ўтиб эса катта юк машиналарига тўлдириб мева юкланади. Навига қараб улгуржи 9000 сўмдан бошлаб 25 минг сўмгача бериляпти. Бундай ҳисоблайдиган бўлсак, бир йилда хурмо савдосию кўчатчиликдан 250-300 миллион сўмга яқин фойда қилинади. Ойига эса 20-25 миллион сўмдан тўғри келади.

— Одам ҳаракат қилса, шунга яраша барака бўлади, — деди суҳбат сўнгида уста боғбон. — 5-6 йил аввал хурмоларимиз хор бўлиб, жуда арзон нархга сотиларди. Фақатгина Россия, Қозоғистон, ўзимизнинг Тошкентдаги ички бозорларга кириб бораради. Энди эса экспорт ривожланяпти, кўплаб давлатларга юк чиқара оляпмиз. Тадбиркорлик ортидан ҳурматимиз ҳам баланд. Худога шукр, юзимиз ёруғ. Ҳалол меҳнатимиз ортидан уйлар қуриб, тўйлар қиляпмиз. Вилоят, туман ҳокимлигидан, пойтахтдан келадиган меҳмонларнинг бари раҳмат айтиб кетяпти. Насиб қилса, бир умр шу эл, шу халқ учун хизмат қиламиз. Юртимиз иқтисодиётига салгина ҳисса қўшаётган бўлсак, бошимиз осмонда.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

2026 йил 1 июлдан “Имтиёзли йўлланма модули” DMED ягона электрон ахборот тизимида ишга туширилди. Қисқа вақтда ушбу тизим орқали 60 мингдан зиёд йўлланма шакллантирилди.

КЎЗГУ

5

2026 йил 28 сентябрь, 201-сон

Инсон қадри учун



ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ — ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Президентимиз мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иккинчи миллий дастур халқимизнинг соғлом бўлиши ва узоқ умр кўришини таъминлашга хизмат қилади дея таъкидлади. Бу оддий мақсад эмас, балки тиббиётдаги ёндашувни ўзгартириш, касалликни даволашдан кўра олдини олиш, тиббий хизмат кўрсатишдан инсон саломатлигини асрашга ўтиш демакдир.

Сўнгги йилларда соҳага ажратилаётган маблағ ҳажми 8 баробардан ошди. 652 та янги тиббиёт муассасаси барпо этилди. Илгари



хорижда амалга оширилган мураккаб диагностика ва даволаш усулларининг 100 дан зиёди бугун юртимизда бажарилмоқда.

Энг муҳими, мазкур ўзгаришлар инсон қадрини юксалтириш, ҳаёт сифати ва фаровонлигини оширишда самарасини намоён этмоқда. 1991 йилда Ўзбекистонда ўртача умр кўриш давомийлиги 66,4 ёш бўлган. 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 75,4 ёшга етди.

Энди эса тиббиётда янги босқич — профилактикани кучайтириш орқали саломатликни асраш моделига ўтиляпти. Давлат тиббий суғуртасини барча хонадонга олиб киришга ҳаракат қилиняпти.

Аҳолини касаллик ва юқори тиббий харажатлардан молиявий ҳимоя қиладиган ҳамда кафолатланган тиббий хизматларни назарда тутувчи Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг бу борадаги ҳиссаси, шубҳасиз, катта аҳамият касб этади.

Жамғарма фақат молиявий қўллаб-қувватлаш эмас, балки давлатнинг инсон ҳаётига, соғлиғига ва ижтимоий адолатга масъулиятини ўзида намоён этди. Ислоҳотнинг дастлабки тажриба-синов ҳудуди сифатида Сирдарё вилояти танланиб, 28 та тиббиёт муассасаси билан тиббий хизматларни харид қилиш бўйича илк шартномалар имзоланган эди. Кейинги босқичда тиббий хизматларни давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ва харид қилиш механизмлари босқичма-босқич такомиллаштирилди. Имтиёзли тоифадаги фуқароларга юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш харажатини давлат бюджети ҳисобидан қоплаш механизми жорий этилди.

Президентимизнинг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур тизимни янада кенг ёйишда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Қарор билан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда давлат тиббий суғуртаси механизмларини бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилиш вазифалари белгиланди. Давлат тиббий суғуртаси тизими Тошкент шаҳрида, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида босқичма-босқич жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 19 майдаги “Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тажриба-синов лойиҳаси яна 15 та туман ва шаҳарни қамраб олди. 2026 йилдан эса Самарқанд вилоятининг барча туман ва шаҳарлари давлат тиббий суғуртаси тизимига тўлиқ жалб этилди. 2026 йил 1 октябрга қадар 14 ҳудудни қамраб олиш режалаштирилган.

Шу тариқа беш йилда давлат тиббий суғуртаси бир ҳудуддаги тажриба-синов лойиҳасидан мамлакат миқёсидаги муҳим соғлиқни сақлаш ислоҳотига айланди. Тизим орқали



қилинган ишлар одамлар ҳаётида сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлди. Инсонларнинг яшаш ҳуқуқи, соғлом ва фаровон келажаги таъминланди.

Қисқа муддатда реимбурсация дастури аҳоли учун сезиларли натижа берди. Бепул бериладиган дори-дармонлар сони 11 тадан 28 тага етказилди. 1,7 миллион бемор реимбурсация дастурига қамраб олинган, имтиёзли тоифадаги 400 мингдан ортиқ бемор даволанди.

Жорий йил 1 июлдан бошлаб давлат тиббий суғуртаси тизими жорий этилган ҳудудларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги тартиби амалга киритилди. Унга кўра, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ тўловчилари, шунингдек, Солиқ кодексига мувофиқ меҳнат стажини ҳисоблаш учун белгиланган миқдорда солиқ тўлаган фуқаролар туман (шаҳар) ва ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасаларида режалаштирилган стационар тиббий ёрдамни электрон навбат асосида бепул олиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда вояга етмаганлар, таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, ҳомиладор аёллар, икки ёшга тўлмаган фарзандини парваришлаётган шахслар, меҳнат органларида ишсиз сифатида рўйхатдан ўтган фуқаролар, давлат пенсиясини олувчилар ҳамда ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзоларига мазкур тиббий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Давлат тиббий суғуртаси тизимининг жорий этилиши фуқаролар зиммасига қўшимча солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни юкламайди. Тизимни молиялаштириш амалдаги солиқ тушумлари ва давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бунда аҳолига тиббий хизматларни ўз вақтида, сифатли ва манзилли кўрсатиш, шунингдек, кафолатланган ҳажмдаги тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш назарда тутилади.

Шунингдек, 2026 йил 1 июлдан давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган ҳудудларда давлат маблағи ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги тартиби ишлай бошлади. Энди белгиланган тоифадаги фуқаролар режали даволаниш учун қоғоз ҳужжатлар билан бир муассасадан бошқасига югуриб юрмайди. Яъни жараён электрон шаклга ўтказилмоқда.

— Аввало, оилавий шифокорга мурожаат қилинади, — дейди Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари Улуғбек Кандимов. — Бемор ўзи бириктирилган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасига боради. Оилавий шифокор беморни кўрикдан ўтказади. Зарур бўлса, тор соҳа мутахассисига йўналтирилади. Бемор туман ёки шаҳар даражасидаги тиббиёт муассасасида тегишли мутахассис кўригидан ўтади. Янги тартибда бу жараён ҳам белгиланган муддатлар асосида электрон тизим орқали ташкил этилади. Кейинги босқичда даволаниш зарур бўлса, электрон йўлланма шакллантирилади. Беморга қоғоз маълумотнома тўплаш эмас, электрон ахборот тизими орқали йўлланма расмийлаштириш механизми қўлланади. У белгиланган тиббий муассасада режали даволаниш имкониятига эга бўлади. Янги электрон тизим орқали бемор нафақат навбатга ёзилади, балки тиббий ёрдам оладиган муассасани ҳам ўзи танлайди.

2026 йил 1 июлдан “Имтиёзли йўлланма модули” DMED ягона электрон ахборот тизимида ишга туширилди. Қисқа вақтда ушбу тизим орқали 60 мингдан зиёд йўлланма шакллантирилди.

Давлат тиббий суғуртаси доирасида тиббий муассасаларни молиялаштиришнинг бир нечта замонавий механизми жорий этилмоқда. Жумладан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида аҳоли жон бошига тўлов, айрим ижтимоий аҳамиятга молик муассасаларда глобал бюджет, шифохоналарда эса глобал бюджет ва даволанган ҳолат учун тўловни қамраб олган аралаш механизм қўлланмоқда.

Бу ёндашув тиббиёт муассасаларини молиялаштиришни фақат бино, штат бирликлари ёки харажатлар ҳажмига эмас, балки бириктирилган одам сони, кўрсатилган тиббий хизматлар ва даволанган ҳолатларга боғлаш имконини беради.

Давлат тиббий суғурта жамғармаси тиббиёт муассасаларини молиялаштиришни таъминлайдиган асосий институт. Бу мамлакат учун жуда муҳим қадам. Ҳар бир инсоннинг иқтисодий аҳволидан қатъи назар, ҳеч қандай молиявий қийинчиликларсиз сифатли тиббий хизматдан фойдалана олиши давлат тиббий суғуртаси давлат ва аҳоли ўртасидаги ишонч демакдир. Тизим тиббий хизматлар сифатини ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва аҳолига замонавий, молиявий жиҳатдан барқарор тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришнинг муҳим таянчи бўлади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Замон билан ҳамнафас

Шу йилнинг 7 июль куни Президентимиз давлат бошқарувининг ягона интеграциялашган рақамли платформасини жорий этиш, стартаплар экотизимини ривожлантириш ҳамда телекоммуникация соҳасида тадбиркорлик муҳитини яхшилаш юзасидан тақдимот билан танишган эди. Тақдимотда ахборот технологиялари соҳаси экспорти ва стартаплар экотизимини ривожлантириш режалари ҳам кўриб чиқилганди.



ҒОЯЛАР ҲАРАКАТИ

ИННОВАЦИОН МАЙДОНДАГИ ИМКОНИЯТЛАР

Мамлакатимизда 2030 йилгача АТ экспортини 5 миллиард долларга етказиш, 5 мингта фаол стартап ташкил этиш ҳамда 2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш мақсад қилинган. Ахборот технологиялари бугунги замон талаби ва келажак эҳтиёжи. Ўзбекистон аҳолисининг 65 фоизини 35 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши эса технологик маҳсулотлар ва рақамли хизматларга талаб ўсиши, янги ғояларни синовдан ўтказиш ҳамда стартапларни ривожлантириш учун катта имконият яратади. Айни пайтда республикамизда 145 та олий таълим муассасасида шу йўналишда кадрлар тайёрланмоқда.

Бугун Ўзбекистон стартап экотизимида 1600 дан ортиқ рақамли стартап мавжуд. Умумий капитали 200 миллион доллардан ортиқ бўлган 20 дан зиёд венчур фонд фаолият юритмоқда. Стартап экотизимининг умумий қиймати 4,3 миллиард долларга баҳоланмоқда. 100 дан ортиқ ўзбек стартапининг халқаро бозорларга чиққани эса маҳаллий жамоалар яратаётган технологик ечимларга мамлакат ташқарисида ҳам талаб борлигини кўрсатади. Стартапларни молиялаштириш ва хусусий инвесторларни рағбатлантиришга қаратилган янги механизмлар жорий этилиши бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиши билан аҳамиятли.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан VI очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида бу йўналишда қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, 2027-2030 йилларда “Келажак тадбиркори” дастури амалга оширилади. Дастур доирасида “UzVC” миллий венчур фонди саккизта устувор йўналишда очиқ танлов асосида жами 30 тагача стартапни молиялаштиради. Ҳар бир лойиҳа 5 миллиард сўмгача инвестиция олиши мумкин.

Давлатнинг стартапдаги улуши 49 фоиздан ошмайди. Таъсисчилар эса кейинчалик ушбу улушни бозор қийматида сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Дастур учун 2027 йилда давлат бюджетидан дастлабки босқичда 150 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган.

Фармонда хусусий инвесторларни рағбатлантириш механизми назарда тутилган. StartupBase ягона электрон платформасида рўйхатдан ўтган стартапга, жумладан, SAFE ёки конвертацияланадиган қарз орқали



> **Стартап учун энг қийин босқичлардан бири — ғояни барқарор бизнесга айлантириш. Маҳсулот яратиш билан бирга, уни одамлар мунтазам ишлатадиган, амалий фойда берадиган ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган даражага олиб чиқиш ҳам талаб этилади.**

сармоя киритган жисмоний шахс “Стартап инвестори” (Business Angel) мақомини олиши мумкин. Агар инвестор стартапдаги улушини камида уч йил давомида сақлаб, шундан сўнг уни сотса, улушни сотишдан олинган фойда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилади.

— Стартап экотизими иштирокчиси сифатида бундай механизмлар жорий этилишини муҳим қадам ҳисоблайман, — дейди “IT Park Uzbekistan” технопарки стартаплар оқимини ривожлантириш бўлими бош менежери Усмон Раҳимжонов. — Стартаплар учун молиялаштириш манбалари кўпайиши ғояларни амалиётга татбиқ этиш ва технологик маҳсулотларни бозорга олиб чиқиш имкониятини кенгайтиради. Хусусий инвесторларни рағбатлантириш эса бу жараёнда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки инвестор стартапга маблағ билан бирга ўз тажрибаси, бизнес алоқалари ва бозорни тушуниш кўникмаларини ҳам олиб киради. Бу каби чоралар истиқболли лойиҳаларга хусусий капитални жалб қилиш ва стартаплар билан инвесторлар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришга туртки бериши мумкин.

Стартаплар ривожида молиялаштириш билан бирга ғояни синовдан ўтказиш, билим ва тажриба орттириш ҳамда ҳамкорлар топиш учун қулай муҳит ҳам муҳим ўрин тутади.

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, илмий ва ижодий салоҳиятини юксалтириш учун ягона майдон яратувчи 14 та ҳудудий технопарк фаолияти йўлга қўйилган.

Технологик экотизим иштирокчиларидан бири бўлган “IT Park Uzbekistan” тадбиркорликни ривожлантириш, стартапларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг инвесторлар билан ҳамкорлигини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Бугун ушбу парк экотизими 3800 дан ортиқ резидентни, жумладан, 1000 дан зиёд хорижий компанияни бирлаштиради. Резидент компанияларда 56 мингдан ортиқ ходим меҳнат қилмоқда. Маҳаллий ва хорижий компаниялар, мутахассислар ҳамда инвесторларни бирлаштирган бу муҳит стартаплар учун тажриба алмашиш, ҳамкорлар топиш ва халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиради.

— Бугун дўкон, ресторан, меҳмонхона, клиника ёки банкка кирганимизда турли экранларга кўзимиз тушади, — дейди Smartcast стартапи муаллифи Рачаел Қуронбоева. — Уларда реклама, акциялар, хизматлар ҳақида маълумот ёки компаниянинг бошқа хабарлари намойиш этилади. Бироқ экраннинг ўзи рақамли бўлгани билан уни бошқариш усули ҳар доим ҳам замонавий эмас.

Айрим компанияларда контент ҳануз қўлда алмаштирилади, USB-дисклардан фойдаланилади, янгиланишлар эса зарурат туғилгандагина амалга оширилади. Бир неча филиалга эга бизнес учун бу янада мураккаб: ҳар бир манзилдаги экранни алоҳида назорат қилиш, контентни янгилаш ва унинг тўғри намойиш этилаётганини текшириш керак бўлади.

Smartcast ана шу жараённи марказлаштиришга қаратилган. Платформа орқали компаниялар турли манзиллардаги экранларини битта тизимда бошқариши, контентни масофадан туриб янгилаши ва намойишларни олдиндан режалаштириши мумкин. Шу тариқа экран марказдан бошқариладиган рақамли ахборот каналига айланади.

Экранларни бир тизимга бирлаштириш улардан реклама майдони сифатида фойдаланиш имкониятини ҳам яратади. Шу мақсадда Smartcast асосида Smartcast Media йўналиши ривожлантирилмоқда. У экран жойлашган бизнеслар билан реклама берувчиларни боғлашни мақсад қилган. Масалан, ресторан ёки савдо нуқтасида ўрнатилган экранда шу бизнеснинг ўз маълумотлари билан бирга бошқа компаниялар рекламалари ҳам намойиш қилиниши мумкин. Бу ҳолда экран эгаси қўшимча даромад олади, реклама берувчи эса ўз маҳсулоти ёки хизматини муайян жойдаги аудитория кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Ёшларнинг бу каби инновацион ғоя ва лойиҳалари кўп. Уларнинг қиймати муайян муаммони ҳал қилиши ва амалиётда одамларга фойда келтириши билан белгиланади. Аёллар саломатлигига йўналтирилган Femmy платформаси ана шундай эҳтиёждан пайдо бўлган.

— Femmy ортида жуда оддий, лекин муҳим кузатув бор эди. Аёлларда ўз саломатлиги ҳақида жуда кўп саволлар бор, лекин зарур маълумотни ўз вақтида топиш ҳар доим ҳам осон эмас, — дейди ғоя муаллифи Мафтуна Каримова. — Айниқса, репродуктив саломатлик борасида кўпинча ижтимоий тармоқлардан жавоб излашади. Мен эса бу тажрибани битта ишончли платформага йиғиш мумкинлигини ўйлардим.

Шу тариқа платформада саломатлик ҳақидаги контент, ҳомиладорлик ва оналик даврида зарур бўладиган ёрдамчи хизматлар шаклланди. Кейинчалик сунъий интеллект асосидаги таҳлил ва телетиббиёт йўналишларини ривожлантиришга эътибор қаратилди. Бу жараёнда асосий вазифа фойдаланувчилар эҳтиёжини тушуниш ва уларга керакли ечимни таклиф этиш бўлди.

Femmy аёлларга ўз саломатлиги ҳақидаги маълумотларни тушуниш, ҳолатини кузатиш ва керак бўлганда профессионал ёрдамга мурожаат қилиш имконини беради. Бугунги кунга келиб платформадан 100 мингдан ортиқ аёл-қиз фаол фойдаланмоқда.


Стартап учун энг қийин босқичлардан бири — ғояни барқарор бизнесга айлантириш. Маҳсулот яратиш билан бирга уни одамлар мунтазам ишлатадиган, амалий фойда берадиган ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган даражага олиб чиқиш ҳам талаб этилади.

Femmy жамоаси ҳам маҳсулотни кенгроқ платформага айлантириш устида ишламоқда. Сунъий интеллект ва телетиббиёт каби йўналишларни ривожлантириш орқали аёллар саломатлигининг турли босқичларида зарур бўладиган хизматларни бир жойда тақдим этиш кўзда тутилган.

— Бугунги кунда биз маҳсулот, технология, маркетинг ва саломатлик йўналишларини бирлаштирган жамоа билан ишлаяпмиз, — дейди ғоя муаллифи. — Келгуси икки-уч йилдаги энг катта мақсадимиз — Femmyни Ўзбекистондаги маҳсулотдан халқаро аёллар саломатлиги платформасига айлантириш. Бунинг учун биз сунъий интеллект асосидаги соғлиқ таҳлили, телетиббиёт ва кейинчалик аёллар саломатлигининг турли босқичларига мос хизматларни ривожлантирмоқчимиз.

Баъзан катта лойиҳа битта оддий саволдан бошланади: одамлар ҳар куни дуч келадиган муаммони технологиялар ёрдамида қандай ҳал қилиш мумкин? Smartcast учун бу экранлардаги маълумотларни бошқариш, Femmy учун эса аёлларга саломатлик ҳақидаги зарур ахборот ва хизматларни қулай шаклда етказиш масаласи бўлди. Бугун ана шундай амалий эҳтиёжлардан туғилган ғоялар Ўзбекистонда шаклланиб, халқаро бозорларга чиқишни мақсад қилган технологик бизнесларга айланмоқда. Бу эса мамлакатимизда ёшларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш, стартапларга молиявий ва инфратузилмавий ёрдам кўрсатиш, технологиялар ва венчур инвестициялар бозорини ривожлантиришга қаратилган эътибор самарасидан дарак беради.

Р. ҲАЙИТҚУЛОВА,
журналист



Одил Ёқубов таваллудининг 100 йиллиги олдидан

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД УЛУҒ АДИБ

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошида ҳафтада икки марта чоп этиладиган “Ўзбекистон маданияти” газетаси “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигига айлантирилиб, саккиз саҳифада чиқа бошлади. Ўша пайтда собиқ шўролар ёзувчилар уюшмаси нашри — “Литературная газета” иттифоқдаги энг нуфузли ва оммабоп газеталардан бири эди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”ни шу газетанинг ўзбекча муқобилига айлантириш мақсад қилинган эди. Шунинг учун ўша даврнинг энг ўқишли ва илғор фикрли журнали бўлмиш “Гулистон” бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор ҳафталикка раҳбар этиб тайинланганди.

Орадан кўп ўтмай, кутилганидек, газета ўз ўқувчиларини топди: фақат зиёлиларнинг эмас, барчанинг — ўқитувчию муҳандиснинг, темирйўлчию шифокорнинг, талабаю ўқувчининг, ҳатто деҳқоннинг ҳам севимли нашрига айланди. Мамлакатнинг энг узоқ қишлоқларидаги хонадонларгача кириб борди. Одамлар “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”ни матбуот дўконларида навбатда туриб сотиб оладиган бўлди.

Ўша пайтда мен ТошДУ журналистика факультети талабаси эдим. Тўртинчи курсни тугатгач, ҳикоялар машқ қилиб юрганим боис, ишлаб чиқариш амалиётимни адабиёт газетасида ўташга қарор қилдим. Кейинроқ Асқад Мухтор таҳрири билан шу газетада биринчи ҳикоям ҳам эълон қилинди.

Таҳририятга бориб, масъул котиб Маматқул Ҳазратқулов билан учрашдим. Тасодифни қарангки, амалиётга борган пайтимда ҳафталик корректурасида битта ўрин бўш экан. Маоши ҳам дурустгина — 60 сўм. Менга ўхшаган қишлоқдан келиб, зўрға кун кўриб юрган талаба учун бу катта пул эди. Маматқул ака ишлаш таклифини берганда, ўйлаб ҳам ўтирмасдан дарров рози бўлдим. Вазифам анча осон эди: мусаҳҳиҳлар саҳифани ўқиганда матнга қараб туриш, тайёр саҳифаларни муҳаррир, унинг ўринбосари, масъул котиб ва навбатчига тарқатиш ҳамда хатоси тузатилган саҳифаларни босмахонага олиб бориш.

Мен ўша пайтларда дарсдан сўнг, яъни тушдан кейин ишга келардим. Корректорадаги ишлар кўпроқ кечки пайт ва тунга тўғри келгани учун бош муҳаррирни деярли кўрмасдим.

1982 йили ҳафталикка Одил Ёқубов бош муҳаррир бўлиб келди. Ўша йили университетни тугатдим. Корректорада ишласам-да, бўш вақтларда газета учун спорт ҳақида мақолалар, спортчилар билан суҳбатлар ёзиб турардим.

1984 йилнинг сентябрида таътилга чиқиб, қишлоққа кетдим. Ўша кунларнинг бирида ҳамкасбим, дўстим Қулман Очиловдан телеграмма олдим. У пайтларда бугунги шароит қаёқда дейсиз! Қишлоқ тугул, шаҳарларда ҳам телефон муаммо эди. Телеграммада тезда етиб келишим сўралганди. Аввалига хавотирга тушдим. Газетада бирорта хато ўтиб кетган бўлса, шунга чақираётган бўлиши ҳам мумкин эди-да. Шу боис, таътилни тўхтатиб, Тошкентга қайтдим.

Таҳририятга борсам, бош муҳаррир чақиртирган экан. Айтишларича, таътилда бўлган пайтимда аввалроқ тайёрлаб кетган шахмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов билан суҳбатим ҳафталикда эълон қилинибди. Одил Ёқубов ўша пайтда қайсидир санаторийда дам олаётган экан. Гроссмейстер билан суҳбатимни ўқиб, ўринбосари Иброҳим Ғафуровга телефон қилиб, менга раҳмат айтишини ҳамда тезда ишга чақиришни тайинлабди. Тошкентга келишим билан катта мухбир лавозимига ишга ўтказилдим.

Мен бу билан нима демоқчиман? Устоз ҳеч қачон одам ажратмасди, қўлидан иш келадиганларни, албатта, газетага жалб қиларди, имкони бўлса, ишга оларди. Ўша пайтда таҳририятда Маҳмуд Саъдий, Нусрат Раҳматов, Ёқубжон Хўжамбердиев, Саъдулла Ҳаким, Мурод Абдуллаев, Камол Матёқубов, Ашурали Жўраев, Аҳмад Отабоев, Гулчеҳра Умарова, Абдунаби Ҳайдаров, Карим Баҳриев каби ўз ишининг усталари, забардаст публицистлар, адабиётшунослар, таҳрирчилар ишларди.

Одил Ёқубов раҳбарлик қилган йилларда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” халқимизнинг дардини юзага чиқарадиган минбарга айланди. Орол денгизининг қуриши, Бўстонлик туманида атроф-муҳитга зарар етказадиган завод қурилишига қарши жамоатчилик фикрини шакллантириш, пахта яккаҳокимлиги, шўро армиясидаги зўравонлик (дедовщина) муаммолари илк бор шу газетада кўтариб чиқилди. Бу мақолалар зиёлилар, жамоатчилик томонидан муҳокама қилинди, қўллаб-қувватланди. Шу билан бирга, тегишли ташкилот ва идоралар томонидан газета раҳбариятига турли тазйиқлар бўлгани ҳам рост.

Устоз ҳали СССР деган буюк империя тирик турган даврда ҳам газетани мустақил, халқ фикрини айта оладиган нашрга, минбарга айлантира олди. Бошқача айтганда, Одил Ёқубов бош муҳаррир бўлган пайтда газета республикадаги энг оммавий, энг ўқишли нашрга айланди, адади 800 мингга яқинлашди. Мавзулар адабиёт ва санъат чегарасидан чиқиб, публицистика биринчи ўринга кўтарилди. Ёзувчи ва шоирлар шеър, ҳикоя, қисса, роман ўрнига мақола ёза бошлади. Таҳририят зиёлилар йиғиладиган штабга ўхшарди. Шоирлар, ёзувчилар, журналистлар, рассомлар, ҳатто қўшиқчи санъаткорлар ҳам таҳририятга келарди. Суҳбатлар мавзуси юртни, халқни қийнаётган энг нозик масалалар бўларди, бу муаммоларни қандай ҳал этиш мумкинлиги ҳақида фикр алмашиларди.

Ўша пайтда оддий одамлар ҳам уйғонганди. Ҳар куни ҳудудлардан юзлаб хат келарди. Одамлар газетада чиқаётган мақолаларга муносабат билдирар, ўзларини қийнаётган ташвишлар ҳақида куюниб ёзарди. Айниқса, ҳуқуқ-



тартибот идоралари ходимларининг хурмача қилиқлари тилга олинган хатлар беҳисоб эди.

Ҳафталикнинг хатлар бўлимида уч ходим ишларди. Қизиғи шундаки, улар кечгача хатларни рўйхатдан ўтказишга улгурмасди. Албатта, уларга ҳам осон эмасди, ҳеч бўлмаса, хатга бир кўз югуртириб чиқиш, мавзусига қараб бўлимларга йўналтириш керак эди. Энг муҳим, дардли хатлар бош муҳаррирга киритиларди, бош муҳаррир эса бу хатлар бўйича ўринбосари, бўлим мудирлари билан маслаҳатлашарди. Айрим хатларга ўзи жавоб ёзар, ҳаётда қийналган одамларга маслаҳатлар берарди. Айрим хатларни мухбирларга бериб, хизмат сафарига жўнатарди.

Бош муҳаррир бизни кўпроқ хизмат сафарига боришга, хатларда кўтарилган муаммоларни ўрганиб келишга ундарди. Баъзан дам олиш кунлари ҳам сафарга юборарди. “Сизлар ҳали ёшсизлар, дам олишга улгурасизлар. Уйда ўтириб нима қиласизлар? Журналист, ижодкор халқ ичида бўлиши, одамлар билан суҳбатлашиши, энг муҳими, ҳаётни кўриши, одамларнинг дардини тинглаши керак. Кабинетда ўтириб ёзилган мақола жонли чиқмайди, уни ҳеч ким ўқимайди. Шунинг учун муаммони жойига бориб ўрганиш, хат муаллифи билан учрашиш, суҳбатлашиш, шу билан бирга, иккинчи томонни тинглаш ва шундан кейингина бир хулосага келиш лозим”, дерди.



“Устознинг яна бир яхши хусусияти шунда эдики, у таҳририятга келган ҳар бир хатга алоҳида эътибор қаратарди. Чунки ўша пайтда, юқорида таъкидлаганимдек, одамлар юрагидаги дардини, ўзларини қийнаётган муаммоларни қаламга олар, таҳририятга ишонар, ундан нажот кутарди. “Ҳар бир хат ортида инсон тақдири бор, уларда ёзилган муаммоларни ҳал қила олмасак ҳам, ҳеч бўлмаса, бир оғиз ширин сўз билан жавоб ёзинглар. Хат эътиборсиз қолмасин, одамлар жавоб кутади”, дерди доимо.



Албатта, фақат республикада эмас, Марказий Осиёда машҳур ва таниқли ёзувчининг гапини ким икки қила оларди?! Индамасдан жума куни хизмат сафарига кетиб, душанба куни эрталаб ишга келган пайтларимиз ҳам бўлган. Лекин ҳеч ким нолимасди, тўғрисини айтсам, мен бирорта ходимнинг бош муҳаррир хатти-ҳаракатидан норози бўлганини, кеча дам олмасдан фалон вилоятга бориб, чарчаб келдим деганини эшитмаганман.

Ёш эдик, хизмат сафарига чиқиш, хатларда ёзилган муаммоларни ўрганиш бизга ҳам қизиқ эди, завқ берарди. Бундан ташқари, ёзган мақоламизга яхшигина қалам ҳақи ҳам олардик. Ўша пайтда битта яхши мақолага 60-70 сўм, баъзан 100 сўмгача пул тўланарди. Ўшанда маошим 150 сўмлигини ҳисобга олсак, 100 сўм жуда катта пул экани ойдинлашади.

Устознинг яна бир яхши хусусияти шунда эдики, у таҳририятга келган ҳар бир хатга алоҳида эътибор қаратарди. Чунки ўша пайтда, юқорида таъкидлаганимдек, одамлар юрагидаги дардини, ўзларини қийнаётган муаммоларни қаламга олар, таҳририятга ишонар, ундан нажот кутарди. “Ҳар бир хат ортида инсон тақдири бор, уларда ёзилган муаммоларни ҳал қила олмасак ҳам, ҳеч бўлмаса, бир оғиз ширин сўз билан жавоб ёзинглар. Хат эътиборсиз қолмасин, одамлар жавоб кутади”, дерди доимо.

Бир куни Одил ака йўлакдан ўтиб кета туриб, хатлар бўлимига бурилди. Мен ҳам шу хонага иш билан киргандим. Газетхонлардан келган мактубларга ёзилган бир даста жавоб хатлар стол устида турган экан. “Бу жавоблар нега жўнатилмаган?” деб сўради хатлар бўлими мудири Муҳаббат опа Туробовадан.

“Конвертимиз тугаб қолганди, буюртма қилинди, тўрт-беш кунда тайёр бўлса, жўнатиб юборамиз”, деди Муҳаббат опа. Ўша пайтларда устига газета номи ёзилган махсус конвертлар бўларди. Бу конвертлар махсус буюртма асосида тайёрлаб бериларди.

“Газетхон тўрт-беш кун кутиб ўтирмайди. Ҳозир почтага боринглар-да, конверт олиб келиб, шу бугуноқ хатларни жўнатиб юборинглар”, деди устоз ва Муҳаббат опага 100 сўм узатди. Эртаси куни шу пулга конверт олиб келиниб, барча хатлар жўнатиб юборилди.

Одил ака улуғ ёзувчи эди, китобларига катта қалам ҳақи оларди. 100 сўм у учун катта маблағ бўлмагандир. Лекин ўша давр ўлчови билан қарасак, бу кўп пул эди. Ҳар қандай раҳбар ҳам ўзи меҳнат қилиб топган пулини бундай ишларга сарфлайвермасди. Аксинча, ўша пайтда давлат маблағини ўзлаштиришни ўйлайдиганлар кўпроқ эди.

Устознинг талабчанлиги, бизни кўп бора хизмат сафарларига жўнатгани туфайли республиканинг деярли барча вилоятларигагина эмас, барча туманларига ҳам бир марта эмас, бир неча марталаб борганмиз. Бу биз — ёш мухбирларга катта тажриба, мактаб, сабоқ бўлган. Одамлар, жойлардаги раҳбарлар билан мулоқот қилишни ўрганганмиз, таҳлилий мақолалар, суд очерклари ёзиб, сал бўлса-да, элга танилганмиз.

Одил Ёқубов билан тўрт-беш йил бирга ишлаб, ҳеч қачон ўзини юқори олганини, одам ажратганини, катта ёзувчи эканини пеш қилганини кўрмаганман. У ўринбосари билан ҳам, таҳририят мусаҳҳиҳи билан ҳам, Ёзувчилар уюшмаси раиси ёки маданият вазири



билан ҳам бир хил муносабатда бўларди, айтадиган гапини бемалол айта оларди.

Баъзан таҳририятдаги мажлис, тадбир ёки газетанинг келгуси сонини режалаштириш пайтида юқоридан, дейлик, партия марказий қўмитасидан, муассислар — Ёзувчилар уюшмаси ёки Маданият вазирлигидан телефон бўлиб қоларди. Айрим материалларга эътироз билдириларди. Шундай пайтларда Одил ака мутлақо ялтоқланмасди. “Сизлар ҳамма нарсага аралашавермангланг. У мақолани мен чиқарганман, бош муҳаррир сифатида ўзим жавоб бераман”, деб телефон гўшагини қўйиб қўярди.

Устознинг яна бир ажойиб хусусияти шунда эдики, у яхши мақолани ҳеч қачон ушлаб ўтирмасди. Газета тайёр бўлиб, босмахонага жўнатилаётган пайтда ҳам бирор ўқишли, халқ дарди, муаммоси кўтарилган мақола келиб қолса, албатта, ўша сонга қўйдирарди. “Газета кечикса ҳам шу сонга қўйинглар, бу муаммо эртага эскириши мумкин”, дерди.

2001 йил баҳорда Ҳамза номидаги академик театр — ҳозирги Миллий театрда бир тадбир бўлди. Мен адабиёт газетаси мухбири сифатида қатнашдим. Ўша пайтда Одил ака Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раиси эди. Мажлис тугагач, фойеда Одил акани кўриб қолдим. Устоз ҳам тадбирга келган экан. Чопиб бориб, пальтосини гардеробдан олиб келдим ва кийишига ёрдамлашдим. Ташқарида ёмғир томчилаб турарди. Шунинг учун Одил аканинг қўлидан ушлаб, зинадан пастга тушишига кўмаклашдим.

— Ҳалиям газетадамисан? — деди пастга тушгач. Ўғли Искандар билан тенгдош ва дўст бўлганим учун устоз мени сенлаб гапирарди.

— Ҳа, — дедим.

Одил ака билан унинг хизмат машинаси олдигача бирга бордик. Мен хайрлашмоқчи бўлгандим, тўхтатди.

— Сен пастга тушишимга ёрдам берганинг учун мен сени ишхонангга олиб бориб қўйишим керак-да энди, — деди кулиб.

— Йўқ, ўзим кетавераман, — дедим астойдил.

— Ўтир, — деди буйруқ оҳангида.

Индамай ўтирдим. Ҳайдовчига машинани Матбуотчилар кўчасига ҳайдашни буюрди. Ўша куни устоз мени ишхонам олдида қолдириб, кейин ўз иш жойига кетди.

Ўша воқеа эсимга тушса, ўйланиб қоламан. Одил Ёқубов киму мен кимман? Бу улуғ ёзувчи “Тенгдошлар”, “Икки муҳаббат”, “Муқаддас”, “Қанот жуфт бўлади”, “Биллур қандиллар”, “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, “Диёнат”, “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” каби юзлаб ажойиб ҳикоя, қисса ва романлар муаллифи эди. Унинг асарлари дунёда эътироф этилган, кўплаб тилларга таржима қилинган. У Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Юрий Бондарев, Василь Быков, Анар, Валентин Распутин, Нодар Думбадзе каби улкан ёзувчилар билан дўст, сафдош эди.

Одил Ёқубов ҳаётлик чоғида мамлакатимизнинг “Дўстлик”, “Эл-юрт ҳурмати” орденларига сазовор бўлган эди. Жорий йил май ойида ёзувчининг ёрқин истеъдоди, кўп йиллик самарали ижодий фаолияти, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимизнинг маърифий-бадиий тафаккури ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, юртимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантиришга қўшган беқиёс хизматлари яна бир бор эътироф этилди. Президентимиз фармонига биноан юксак мукофот — “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

Устознинг Москвада СССР халқ депутатлари съездидаги нутқини одамлар ҳозир ҳам унутгани йўқ. Бу нутқ ёзувчининг матонати, жасорати, қаҳрамонлиги рамзи сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олди. Катта минбарда туриб, ўзбек халқи бошига тушган туҳмат, мусибат ва жафоларни мамлакат раҳбарлари кўз олдида очиб ташлаганини одамлар бугун ҳам ҳайрат билан эслайди, қойил қолади, тан беради.

“Улуғбек хазинаси” романи Одил Ёқубовга катта шуҳрат келтирди. Давримизнинг улкан адиби Чингиз Айтматов шу асар муаллифига йўллаган мактубида роман тўғрисида бундай ёзади: “Яхши китоб ҳақида гапириш мароқли. Бу — юксак ва олижаноб наср намунаси. Бадиий қуввати жиҳатидан салмоқдор бу тарихий роман мени ларзага солди...”.

Асари билан Чингиз Айтматовни ларзага солган инсон олдида мен кимман? Ўша куни театр олдида менга “Раҳмат сенга”, деб индамай машинага ўтириб кетаверса ҳам бўларди. Лекин ундай қилмади. Улуғ адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, республика миқёсидаги идора раҳбари бир пайтлар қўлида ишлаган мухбирни ишхонасига олиб бориб қўйди. Бу кимлargадир оддий воқеа бўлиб кўриниши мумкин. Лекин мен учун оддий воқеа эмас. Ҳамма ҳам бундай ишни қилавермайди, қилмайди. Қанча амал пиллапояларидан кўтарилса-да, асарлари билан дунёга танилса-да, одамийликни, инсофни, диёнатни унутмаган, ўзини бошқалардан устун қўймаган ёзувчи, тўғрироғи, инсон шундай йўлни танлайди. Мен кўрган, мен билган Одил Ёқубов шундай одам эди ва шундайлигича хотирамда сақланиб қолган.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
29323 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 02:20 Топширилди — 02:20